

Бизнинг гўзал
юртимиз, ноёб
табиатимиз, бетакрор
Ватанимиз, меҳнаткаш,
бағрикенг ва олижаноб
халқимиз бор.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 22-avgust, chorshanba № 67 (8508)

TAQDIRIMSAN, BAXTIMSAN, ERKIN VA OBOD VATAN!

ЯНГИ САЙЁРАГА “МАЙДАНАК” НОМИ БЕРИЛДИ

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Астрономия институтига қувончли хабар келди: яқинда япониялик олимлар томонидан очилган кичик сайёра – 22948-астероидга Халқаро астрономия иттифоқи томонидан “Майданак” номи берилди. Гарвард кичик сайёралар маркази циркулярида чоп этилган хабарда Майданак – Ўзбекистонда жойлашган жаҳон микёсидаги астрономик обсерватория экани ҳақида маълумот берилган. Мамлакатимиз астрономия фани ютуқларининг дунё микёсида тан олинганлигидан далолат берувчи ушбу воқеа халқимиз учун энг буюк, энг азиз бўлган мустақиллик байрамига яна бир ажойиб туҳфа бўлди.

(Давоми 5-бетда.)



ОБОД ЮРТНИНГ БАХТЛИ ҚИЗЛАРИ

Истиқлол ўзбек аёлларини қайтадан кашф этди...

Тўмариснинг жидду жажди, Сароймулхонимнинг оқиллиги, Нодираю Увайсийнинг нозик табиати, Зулфияхонимнинг садоқати қон-қонига сингиб кетган ўзбек аёллари бугун яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, илму фан, спорт, санъат, адабиёт каби соҳаларда ўзларининг нималарга қодирлигини нафақат юртимиз, балки жаҳон узра намоён этмоқда. Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Мустақиллигимизнинг 21 йилли-

гига бағишлаб ўтказилган Зулфия мукофоти совриндорларининг анжуманида қатнашган ҳар бир киши бунга яна бир бор амин бўлиши табиий. Сабаби, республикамизнинг турли ҳудудларида мукофот сабабли ўз ноёб истеъдодларини юзага чиқарган гўзал қизлар ақлий салоҳият, кийинишу муомала маданияти бора-сида ҳақиқатан етакчи, илғор ва жамоатчи, тенгдошларига ҳар томонлама ўрناк бўлгудек эканликларини ўз ижод намуналари билан яна бир бор исботладилар.

(Давоми 2-бетда.)

ЖАМҒАРМАНИНГ МУҲИМ ИЖТИМОЙ ТАШАББУСЛАРИ

Тошкент вилоятининг “Бўстон” сихатгоҳида “Келажак овози – 2012” медиа-оромгоҳининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармасининг васийлик кенгаши, “Меҳр нури” жамғармаси, “Аёллар кенгаши” Республика жамоат бирлашмаси, “Ҳаёт учун” миллий уюшмаси, “Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси”, “Ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми” нодавлат нотижорат ташкилоти, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида кенгайтирилган матбуот анжумани ўтказилди.

Хайр-саховат, мурувват, эътибор ва қўмакка муҳтож инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш халқимизга хос маънавий қадриятлардандир. Президентимиз Ислом Каримов томонидан Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинган жорий йилда мазкур эзгу фазилатлар янада яққол намоён бўлмоқда.

Давлат дастурига мувофиқ, ёш оилаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ўсиб келаётган авлоднинг муҳим ҳаётий қизиқишларини таъминлаш, уларни спорт ва жисмоний тарбияга кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур вазифаларни ҳал қилишда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Меҳр нури” жамғармаси,

2012-yil – Mustahkam oila yili

“Аёллар кенгаши” Республика жамоат бирлашмаси ва бошқа нодавлат ташкилотлар фаоллик кўрсатмоқда.

“Келажак овози” медиа-оромгоҳини ташкил этиш – ёшларга мўлжалланган лойиҳалардан биридир. Жорий йилда Чирчиқ шаҳрида 10 августдан 17 августга қадар давом этган мазкур оромгоҳда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда у билан ҳамкор ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган йирик маданий тадбирлар ва ижтимоий дастурлар кенг муҳокама қилинди.

(Давоми 7-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

Тошкент дунёнинг энг яхши шаҳарлари рейтингидан ўрин олди

2-бет

“Лойиҳалар” усули ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради

6-бет

Қўшничилик — мингйилчилик

11-бет

ТОШКЕНТ ДУНЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ШАХАРЛАРИ РЕЙТИНГИДАН ЎРИН ОЛДИ

Британиянинг нуфузли "Экономист" журнали бўлини маси — Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси рейтингига кўра, Тошкент дунёнинг яшаш кулай бўлган шаҳарлари орасида 58-ўринни эгаллади.

Economist Intelligence Unit бу йили шаҳарлар рейтингига имкон қадар ҳолис бўлиши учун барча чораларни амалга оширди — танловнинг энг яхши мезонлари конкурсига эълон қилди ва BuzzData тадқиқот фирмаси билан ҳамкорликда дунёнинг энг яхши шаҳарларини аниқлаш бўйича такомиллаштирилган комплекс рейтингни ишлаб чиқди.

Бу йилги рейтинг барқарорлик, соғлиқни сақлаш хизматлари, маданий ва атроф-муҳит сифати, таълим даражаси ва инфратузилмаси каби аъъанавий кўрсаткичлар билан бирга яшил экинзорлар майдони, ҳавонинг сифати, ҳудудларнинг тавсифлари, табиий дам олиш масканларига яқинлиги, дунё миқёсидаги маданий мерос объектлари,

ҳудудий ва халқаро транспорт алоқаларининг мавжудлиги каби мезонлар билан бойитилди.

Ана шу кўрсаткичлар бўйича яшаш учун қулай бўлган дунёнинг 140 та шаҳри ўртасида танлов ўтказилди. 70 та энг яхши шаҳарларнинг якуний рўйхатидан Осиёнинг 30 шаҳри, Европанинг 18 шаҳри, Шимолий ва Жанубий Американинг 18, Африка қитъасининг 3 шаҳри ҳамда Австралия ва Океанияга тегишли бўлган битта шаҳар ўрин олди. Шуниси эътиборга сазоворки, танловда Марказий Осиё ва

Кавказ ҳудудидан фақат битта шаҳар — Тошкент иштирок этди.

Ўзбекистон пойтахти дунёнинг ободлик ва яшаш қулайлиги рейтингига 140 шаҳар орасида юқори 58-ўриндан жой олиб, жаҳон таснифидagi яшаш энг қулай бўлган йирик шаҳарлар орасидан муносиб ўрин эгаллади.

Economist Intelligence Unit экспертлари томонидан, айниқса, шаҳар аҳолисининг сифатли таълим олиши учун яратилган шарт-шароитлар кўрсаткичи юқори баҳоланди. Бу мезон бўйича асосан

Европа ва Шимолий Америкада жойлашган 36 шаҳар бизнинг пойтахтимизга қараганда юқорироқ ўринни эгаллади, ҳолос.

Дунё рейтингига соғлиқни сақлаш хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳам юқори баҳоланиб, ушбу кўрсаткич бўйича Тошкент дунёда 48-ўринни эгаллади. Ўзбекистон пойтахти транспорт ва коммуникация инфратузилмаси ривожланиши бўйича ҳам дунёнинг энг илғор 50 шаҳри сирасига киритилди.

ЎЗА

ОБОД ЮРТНИНГ БАХТЛИ КИЗЛАРИ



(Давоми. Боши 1-бетда.)

2000 йилдан буён иқтидорли кизларга адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим йўналишларидаги ютуқлари учун бериб келинаётган мазкур мукофотга шу кунга қадар 182 киз сазовор бўлган. Улар орасида 2 фан номзоди, 5 Президент стипендияси, 3 Навоий стипендияси, 1 Ибн Сино стипендияси соҳибалари, 3 халқаро фан олимпиадалари, 3 нафар халқаро санъат танловлари ғолиблари бор.

Мукофот соҳибаларининг ижодий, илмий фаолиятини мониторинг қилиш, уларнинг етакчилиги, изланувчанлиги ва интеллектуал салоҳиятларини ошириш, тенгдошларига ибрат бўлишдаги ташаббусини кучайтириш, эришаётган ютуқларини тарғиб этиш мақсадида июль ойида совриндор кизлар билан юзма-юз учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Ушбу анжуманга қадар ўтказилган «Обод юртнинг бахтли кизлари» мавзuidaги тадбирда 15 спортчи кизнинг ютуқлари тақдими, «Суратларда Ватаним мадҳи» кўргазмасида тасвирий ва амалий санъат йўналишида ижод қилаётган 11 нафар rassom, ҳайкалтарош ва кулол кизнинг 65га яқин асари тақдими бўлиб ўтди. «Сени қуйлайман, Ватан!» мавзuidaги мушоирада 30га яқин киз иштирок этган бўлса, фан ва таълим йўналишида изланаётган олимларнинг илмий конференциясида эса 40га яқин киз қатнашди. Уларнинг илмий мақолалари тўплам шаклига келтирилди.

— Устозлар, тенгдош ижодкорлар билан ижодий учрашувлар биз учун катта маҳорат мактаби бўлди, — деди жиззахлик Юлдуз Зоирова. — Суҳбатларда сўзни ҳис қилиш, ижодга масъулият билан қарашни ўргандик. Бу йил ЎЗМУ филология факультетига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиндим. Бу каби анжуманлар биз ёшларга мақсадимизни яна бир бор англаш, фикр ва тажриба алмашишга кўмак беради.

— 2004 йили санъат йўналишида ушбу мукофотга сазовор бўлган эдим, — деди қора-

қалпоғистонлик Айжамол Тўремуродова. — Ўзим бастакорман. 70дан ортиқ музика асарларим бор. Бугунги кунда Нукус давлат санъат коллежидида мусикадан дарс бераман. Ўқувчи қалбидида мусика ва санъатга меҳр уйғотиш, уларни шу оламга ошно қилиш асосий мақсадларимдан. Анжуманга ўзим басталаган «Зулфиянинг кизлари» кўшигимни олиб келдим. Ўйлаймизки, бу тадбир бизларни янада руҳлантириб, янгиликлар яратишга ундайди.

Анжуман давомида айтилган шеърлар, ижро этилган куй-қўшиқлар она Ватан мадҳига бағишланди. Лауреатлик нишонини кўксига тақиб юрган ҳар бир киз ижодининг асоси ва ривожини Ватани, оиласи билан боғлайди, келажакни шулар билан тасаввур қилади. Буни биз хонандаларнинг жарангдор овозида, шоираларнинг мазмунли сатрларида, созанда-ларнинг сеҳрли куйида ҳис этдик. Байрам авжи палласига келганда бир янгиликни эълон қилишди: Истанбул шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги жаҳон шахмат олимпиадасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари — Юлдуз Ҳамроқулова ва Сарвиноз Курбонбоева иштирок этар экан. Ишонч ва масъулиятни ҳис қилиб, мукофотга муносиб бўлишга интилаётган кизларимизга омад тиладик.

Мукофот соҳибаларининг 15 нафарини спорт йўналишида катта-кичик ютуқларга эришиб келаётган кизлар ташкил этгани қувончли ҳолдир. Шулардан бири бадиний гимнастика бўйича Осиё чемпиони Сарвина Холиқовадир.

— Ўн уч йилдан бери спортнинг шу тури билан шуғулланаман, — дейди Сарвина. — Бухоро олимпия заҳиралари коллежидида ўқияман. 2009 йили Германияда бўлиб ўтган бадиний гимнастика бўйича халқаро мусобақада 2-ўринни олдим. Шу билан бирга, шу йилнинг ўзида Ўзбекистон чемпиони ҳам бўлдим. Ушбу мукофот менга янги-янги имкониятларни берди. Бундан кейин ҳам унга муносиб бўлиш, ишончини оқлашга ҳаракат қиламан...

Анжуман республикамизнинг турли ҳудудлари, чекка-чекка қишлоқларидан келган иқтидорли, истеъдодли кизларни бир жойга жамлади, ҳамфикр олимлар, шоира дўгоналарни, неча йилдан бери дийдор кўришмаган дилдош кизларни учраштирди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида умумтаълим мактаби ўқувчилари, халқ таълими тизими ходимлари, ёш педагоглар ҳамда таълим фахрийлари иштирокида маърифий тадбир ўтказилди. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур байрам тадбирида халқимизнинг миллий урф-одатлари, қадриятлари ва аъъаналарига ҳамроҳанг тарзда туманлардан келган таълим муассасалари ўқувчилари ижодий ишлари билан жиҳозланган ҳар бир бурчак эътиборингизни тортади.

Бир томонда спорт мактаблари ўқувчилари томонидан ўтказилаётган спорт мусобақалари авжига чиқса, яна бир томонда асфальтга расм чизиб танловда ижодкор ўқувчилар бор маҳоратларини ишга солмоқдалар. «Баркамол авлод» болалар

МИЛЛИЙ БОҒДА БАЙРАМ САДОСИ



марказлари ҳамда болалар мусика ва санъат мактаблари ўқувчиларининг ўз қўллари билан ясаган ижодий ишлари, миллий қолғу асбоблари кўргазмаси байрам иштирокчиларининг кўзига қувнатади. Айниқса, жилоси кўзига олғувчи тикувчилик ва каштачилик намуналари, миллий кўғирчоқларимизга «жон бағишлаган» ўқувчи кизлар маҳорати, тасвирий ва амалий санъат ишлари, ёш спортчиларимизнинг эришган ютуқларидан ҳикоя қилувчи кўргазмалар киши қалбини ғурурга тўлдирди.

Таниқли ва ҳаваскор санъаткорлар, ўқувчилар ижросидаги дираббо куй-қўшиқлар, доира садолари, киши қалбига завқ улашувчи расқлар, ёш спортчиларнинг чиқишлари байрам дастурига ўзгача фойза бағишлади. Тадбир доирасида ташкил этилган кўрик-танловларда иштирок этиб, ғолибликка эришган ўқувчилар фахрий ёрлик ва эсталик совғалари билан тақдирландилар.

Байрам тадбири сўнгидида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан таълим сифатини юқори босқичга кўтаришда ҳамда ёш авлодни ҳар томонлама кучли ва билимли қилиб тарбиялашда ўз хиссасини қўшаётган ижодкор, илғор ўқувчилар, мактаб раҳбарлари ва мактабга таълим муассасаларининг ходимлари рағбатлантирилди. Маънавий-маданий ҳордиқ янги ўқув йилини янгинача куч билан бошлашга ёрдам беради.

Назокат ХОЛМЕТОВА,

«Ma'rifat» мухбири

Суратда: байрам тадбиридан лавҳа.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

Бугунги ёшларнинг зукко ва билимдонлигидан гап очилса, суҳбат ўзани юртимизнинг таълим тизими, айниқса, ёшларимиз ҳаётида туб бурилиш ясаётган ўрта махсус, касб-хунар таълими мавзусига бориб тақалади. Бу мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотлар самараси, хусусан, таълим тизимидаги ўзгаришу янгиланишлар ватандошларимиз онгу тафаккурида, ҳаёт тарзида яққол акс этаётганидан далолат беради.

Наманган вилояти Уйчи туманидаги Жийдақапа қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежи бош устаси Абдимажид Ориповнинг сочи шу соҳада оқарган. Салкам ўттиз беш йиллик иш фаолияти билим юртиларидан ўтган. Бугунги кун касб-хунар коллежининг ютуғи ва келажақ эгалари ҳаёти учун аҳамияти ҳақида сўзларкан, ўтмишдан, ўтган йиллардаги фаолиятдан мисол келтиради, кеча ва бугунни муқояса қилган ҳолда ўз фикрини шундай ифодалайди:

— Илгари ҳозирги касб-хунар коллежимизнинг ўрнидаги билим юрти муҳандис-ўқитувчилари олдида бир муаммо кўндаланг эди — ўқувчи топиш. Ҳар бир педагог жойлардаги мактабларга тақсимланар ва уларга таълим масканларидан икки-уч ёки беш нафаргача ўқувчи олиб келиш мажбурияти юкланарди. Мактаблар ҳам бу масалага «яхши ўзлаштира олмаётган» ҳамда «тарбияси оғир» болалардан «кутулишнинг бир йўли сифатида ёндашишарди. «Иккичи»лар «сур-гун» қилинади, деган гап шундан келиб чиққан. Билим юртида эса фақат маълум йўналишларда, эртага бу мутахассисликка эҳтиёж бор-йўқлиги ўрганилмай, узоқ муддат ўқитиларди. Амалий дарсларга эътибор кам, моддий-техник база эса ҳаминқадар эди. Бирор бир малакага эга бўлмай, чала-ярим назарий билим олиб ўқишни тамом қилган битирувчилар тақдири билан ҳеч қайси муассаса, ташкилот қизиқмасди. Ёхуд битирувчилар корхоналарнинг ўзида қайта тайёрловдан ўтказиларди. Жараён ўзиб-ўларчилиқка ташлаб қўйилгани боис кўпчилик ёшлар ишисиз қолар, сўнг уларда ўзига, келажагига ишончсизлик, лоқайдлик, боқимандалик кайфияти юзага келарди. Бугун эса вазият тамоман ўзгача...

Ҳа, бугун истиклол шарофати, тўғри танланган йўл ва ислохотлар самараси ўлароқ таълим жараёни бутунлай янгиланди. Фарзандларимиз ўз келажаги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиб вояга етишмоқда. Билим олиб, касб-хунар ўрганган ёшлар мустақам иш ўрнига эга бўлишарди. Суҳбатдошим айтиш шунчаки гапирмади, ички мамнуният ва розилик ҳисси билан сўзлади. Гап оҳангидан кайфиятдаги жўшқинлик, ёшларга хос шижоат яққол сезилиб турарди.

— «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қили-

ниб, ҳаётга татбиқ этила бошланган йиллари касбий таълим устаси лавозимида ишлардим, — дейди яна бир суҳбатдошим Сирдарё вилояти Ширин шаҳарчасидаги энергетика ва маиший хизмат касб-хунар коллежи директори Алфоробий Ҳасанов. — Ўша йиллари ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ишлайётган касбий таълим усталари ва муҳандис-педагоглар хорижий мамлакатлардаги касб-хунар коллеж-

лар, саноат ва ишлаб чиқаришдаги мураккаб технологиялар билан ҳам бемалол тиллашмоқда. Улар орасида тезорав «Афросиёб» поездини бошқараётган, халқаро рейс самолётларига техник хизмат кўрсатаётган ҳамда катта-катта заводларда иш бошқараётганлар ҳам бор.

— «Sirdaryo IES» Марказий Осиёдаги энг йирик энергетика иншоотларидан, — дейди электр станцияси йўриқчи-муҳандиси Бахтиёр Раҳмонкулов. — Мамлакатда истеъмол қилинадиган электр энергиянинг учдан бир қисми шу ерда ишлаб чиқарилади. Жараён ўта мураккаб. Албатта, ҳар бир

нинг амалиёти бевосита корхонанинг юқори малака ва тажрибага эга ишчиларига бириктирилиши, «Устоз-шогирд» тизими асосида олиб борилиши муваффақиятлар омили бўлаётир.

— Анча йиллардан бери «Анзис» заводидида ишлаб келаман, — дейди асакалик ишчи Муродил Жалилов. — Касбим чилангар. Корхонамиз Асака автомобилсозлик касб-хунар коллежи билан ҳамкорликда ишлайди. Заводимиздаги кўпчилик ёш мутахассислар ушбу коллеж битирувчилари. Ишлаб чиқариш амалиётига келаётган шогирдларимга қараб ҳавасим ортади. Ўқийман, ўрганаман деганга барча


Мақсадли фаолият натижасида битирувчилар бирданига иш билан таъминланмоқда. Масалан, Жиззах тумани маиший хизмат ва иқтисодий касб-хунар коллежини яқиндагина тамомлаган Собир Сувоновнинг иш жойи ҳали ўқишни тугатмасданоқ аниқ эди. Сабоби, у яратилган имкониятлардан унумли фойдаланди, вақтини бекор ўтказмади. Касб-хунар коллежида устозларидан қизиққан соҳаси бўйича кўлаб билимларни ўрганди. Натижада «Касб маҳорати — 2012» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби ҳам бўлди. Ҳозир у ўзи амалиёт ўтаган «Бобур» сувдан фойдаланувчилар уюшмасида пайвандчи бўлиб ишламоқда. Ҳам касб-хунарли, ҳам иш жойли бўлганидан хурсанд. Юрагига орзу-умидлари, эртанги кунга ишончи ва аниқ мақсади бор. Ўз юртида, яқинлари атрофида касбидан камол топаёт-

БИТИРУВЧИЛАР САЛОҲИЯТИ

*нафақат уларнинг касбий маҳорати, балки мустақил фикрлаши,
кенг дунёқарашга эгалигида намоян бўлмоқда*

ларининг илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадида турли ривожланган давлатларга юборилди. Албатта, бу мустақиллик берган улкан имконият. Мен ҳам шу мақсадда Австралияга бордим. Мазкур давлатдаги турли коллежлар, уларнинг ўқитиш тарзи, ўқув устахоналаридаги замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан танишдик. Бир кун сафар режасига кўра бошқа шаҳарга кетаётганимизда автобус гилдирагининг дами бўшаб кетди. Хайдовчи жигибийрон, механик зарурлигини айтиб телефон орқали қаёққадир буюртма берар, фақат домкрат билан автобусни айланарди... Кейин биз учун бошқа улов келди. Ўшанда роса ҳайрон бўлдим. Хайдовчи билан суҳбатлашганимда у ҳам ўз юртидаги коллежда таълим олганини айтди. Ўзбекистонга қайтиб келганимизча шу ҳақда ўйладим: наҳот келажақда бизнинг касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳам тор ихтисослик вакилларига айланса. Автоуловни бошқаришни билса-ю, гилдиракни алмаштира олмаса. Йўқ. Мен янглишган эканман. Бугун битирувчиларимиз бир йўналиш доирасидаги уч-тўрт ихтисослиқнинг эгаси бўлиб, меҳнат бозоридида рақобатга дош бера олаётгани. Бу таълим тизими моделизининг ўзига хослигидандир, деб баралла айтсак бўлади.

Дарҳақиқат, бугун касб-хунар коллежларини тамом қилган ёш мутахассислар устозларидан олган билим, малака ва кўникма ёрдамида энг замонавий техника-



блокни самарали ишлатиш мутахассисдан кучли билим ва юқори малака талаб этади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, собиқ марказдан келиб ишлайётган ана шундай кадрлар аста-секин электр станциясини тарк эта бошлади. Уларнинг кўпчилиги агар биз кетсак, станция иши тўхтаб, ўз мавқеини йўқотарди, малакали мутахассислар бу ерда йўқ, деган кайфиятда эдилар. Бироқ қисқа муддатда корхонамиз миллий кадрлари, касб-хунар коллежлари битирувчилари билан бойиди.

Йўриқчи-муҳандиснинг таъкидлашича, касб-хунар коллежларида мустақам моддий-техник базанинг яратилиши ва ўқув-лаборатория жиҳозларининг ишлаб чиқариш корхоналари дастгоҳлари билан яқинлаштирилиши, ўқувчилар-

имкониятлар, шароитлар муҳайё. Коллеж устахоналаридаги ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш жиҳозлари корхонамизнинг энг замонавий ускуна ва дастгоҳлари билан деярли бир хил. Ўқувчилар бу касб сирларини ўрганишга ўз хоҳиш-истаги ва аниқ мақсад билан келишмоқда. Уларнинг биздан устун томони ҳам бор: бу нафақат замонавий техника, асбоб-ускуна ва дастгоҳлардан фойдаланишни тез ўзлаштириб олиши, балки кенг фикрли, кенг дунёқарашга эгалигида ҳам кўринади. Яна бир қувонарли жиҳат, заводимиз ишлаб чиқаришнинг маълум қисмини, яъни унчалик мураккаб бўлмаган пайвандлаш, деталлар ясашни касб-хунар коллежида ташкил этди. Бу ўқувчиларнинг касбий маҳорати янада ортишига ҳисса қўшмоқда.

гани боис ички бир мамнусликни ҳис этади.

— Келажақда орзуларим бисёр, — дейди ёш мутахассис. — Ўз шахсий бизнесимга эга бўлишни истайман, айтиш шунчаки кичик корхона очиш нияти бор. Албатта, бунда касб-хунар коллежида олган билим, малака ва кўникмаларим, ишлаб чиқариш амалиётида орттирган тажрибаларим қўл келади.

Бугун юртдошларимиз мамлакатимизда олиб борилаётган ўзгаришларга, айниқса, таълим борасидаги ислохотларга хайрихоҳлик ҳисси, бир гоёга эшик тушунчалари ҳамда ишонч билан яшамокда. Бу эса ёшларимизнинг юксак чўққиларни забт этишига қанот бўлаётир.

Аббор УМАРҚУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири



❖ Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида ҳам энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллик байрами графасида таниқли ижодкорлар ва илм-фан соҳаси фидойиларидан иборат тарғибот гуруҳлари аҳоли билан учрашувлар ўтказмоқда.

Истиқлол берган имкониятлар, мустақилликлнинг маънавий асослари, "Мустақам оила йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг қўлмалли ишларнинг аҳамияти, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оқилолликнинг қадрига етиш ва уни асрашда огоҳлик ва ҳушёрликни кучайтириш масалалари тарғибот ишларининг асосий мазмунини ташкил этаётди.

Олмалик шаҳар ижтимоий-иқтисодий ва сервис касб-хунар коллежи ҳамда "Теракли" маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтган ана шундай тадбирларда "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" ғоясининг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилди. Сўзга чиққанлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самаралари юртимиз иқтисодий салоҳиятининг тобора юксалиб бораётгани, жамиятимиз ҳаётидаги мислсиз ўзгаришлар, халқимиз турмуш тарзидаги янгиланишларда ўз эркин ифодасини топаётганини таъкидладилар.

Истиқлол байрамига бағишланган бундай тадбирлар вилоятнинг Чирчиқ шаҳри, Паркент, Куйчирик, Чиноз, Оқўрғон туманларида ҳам бўлиб ўтди. Байрам тадбирлари давом этмоқда.

❖ Пойтахтимизда «Мафтунон ранглар олами» иқтидорли болалар республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар вазирликлари, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Бадий академия, «Ўзбекинав» эстрада бйрашмасы, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун», «Sen Yolg'iz Emassan» жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилган маъруза танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида ғолиб бўлган болалар қатнашди.

Танлов доирасида иқтисослаштирилган мактаблар, мурувват, меҳрибонлик уйлари болаларининг ижод намуналаридан иборат бадий кўргазма, пойтахтимизнинг диққатга сазовор масканлари га саёхатлар ташкил этилди. Лойиҳа қатнашчилари юқори малакали шифокорларнинг тиббий кўригидан ўтказилди.

Кўрик-танловнинг ғолиб ва совриндорларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намоиши этилди.

❖ Олий Махлис Қонунчилик палатасида «Сайловлар жараёнида оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш: қонунчилик ва амалиёт» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир Олий Махлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталари, Марказий сайлов комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Сайловларга оид маълумотларни аҳолига кенг ва очик тарада етказишда, мамлакат ҳаёти, келажакга дахлдор бу жараёнининг эркин, ошқора, холис кечишида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Истиқлол йилларида юртимизда яратилган миллий қонунчилик тизими медиа соҳанинг сайлов жараёнининг фаол иштирокчисига айланишига хизмат қилмоқда. Айни пайтда сайловда ташвиқотнинг ошқоралик тамойиллари асосида, эркин ва адолатли таразда ўтиши журналистлардан катта билим, тажриба, алоҳида маъсулятни талаб этади.

Давра суҳбати иштирокчилари сайловлар жараёнида оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

❖ Жиззах вилояти ҳокимлигида БМТ Тараққиёт дастурининг «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролар иштироки ва ҳамкорлик» лойиҳаси доирасида Жиззах ва Наманган вилоятларида амалга оширилаётган ҳокимликлнинг замонавий ахборот хизмати моделига бағишланган вилоятлараро тақдирот ўтказилди.

Тадбирда Жиззах, Сирдарё, Самарқанд вилоятлари шаҳар ва туман ҳокимларининг иқтисодий-иқтимоий масалалар бўйича ўрин-босарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаси доирасида Вазирлар Маҳкамаси билан ҳамкорликда Жиззах ва Наманган вилоятларида амалга оширилаётган ишлар маҳаллий бошқарув идоралари билан аҳоли ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда қўйилган янги қадам бўлди. Ушбу вилоятларда ўтган йили олтига ахборот хизмати ташкил этилган эди. Айни пайтда маъруза вилоятларда биттадан «Ягона ойна» марказлари фаолият кўрсатаётди.

Жиззах шаҳар ҳокимлиги қўшида давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилган «Ягона ойна» марказида шаҳар ҳокимлиги фаолияти ҳақидаги бarcha маълумотлардан, ҳужжатларнинг электрон вариантларидан фойдаланиш мумкин.

Тақдиротда Жиззах вилояти ва шаҳри, Зомин тумани ахборот хизматларининг иш тажрибалари тўғрисида батафсил маълумот берилди. Тадбир иштирокчилари вилоят ҳокимлигининг ахборот хизмати марказида бўлиб, унинг иш фаолияти билан яқиндан танишдилар.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

Мактаб ярмаркалари гавжум

Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг ёзги таътил кунлари ниҳояланиб, янги ўқув йилига оз фурсат қолмоқда. 2012-2013 ўқув йилига тайёргарликни кўнгилдагидек ташкил этиш мақсадида ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда мактаб бозори ва ярмаркалари ташкил этилмоқда.

Taraddud

СИРДАРЁ вилоятининг бarcha туманларида 150дан ортиқ ана шундай савдо расталари иш бошлади. Гулистон шаҳрида очилган кўргазмали мактаб ярмаркасида Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия этилган 27 турдаги ўқув анжомлари, кийим ва пойабзаллар сотувга қўйилди.

— Мактаб бозори ва ярмаркаларини имкон қадар аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда ташкил этдик, — дейди вилоят ХТБ мутахассиси И.Эрматов. — Энг муҳими, ота-оналар мактаб либоси, ўқув анжомларини нақд пул ва пластик карточкалар орқали сотиб олишмоқда.

Мактаб бозори фаолият бошлаган ilk кунданоқ ота-оналар билан гавжум бўлди. Эътиборлиси, сотувга қўйилган маҳсулотлар сифатли ва ҳамёнбоп.

Сирдарё вилояти ҳокимлиги ва ХТБ томонидан ташкил этилган мактаб бозори ва ярмаркалари Янгиер, Сирдарё, Бахт, Ширин шаҳарларида ҳам аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда.

ЖИЗЗАХ. 10 августдан бошлаб вилоятдаги умумтаълим мактабларида, деҳқон ва буюм бозори ҳамда йирик савдо дўконларида мактаб ярмаркалари ташкил этилди.

Фориш туманининг деҳқон бозори, Уч қулоч МФЙ ва 10-, 33- мактабларда очилган ярмаркалар фаолиятидан ота-оналар мамнун. «Фориш улгуржи савдо инвест» МЧЖ томонидан ажратилган транспорт воситалари ёрдамида кўчма савдо шохобчалари ҳам ташкил этилиб, сифатли ва арзон маҳсулотлар сотилмоқда. Айниқса, ўқувчилар учун мактаб либоси савдоси ҳам намунали йўлга қўйилди. Бундай кийимлар миллий кўринишда бежирим ва сифатли тикилгани учун ота-оналар ва ўқувчиларга маъқул келмоқда.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,
Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбирлари

Янги ўқув йилига шай

Бўка туманидаги 2-умумтаълим мактаби янги ўқув йилига шай турибди. Ҳудудни ободонлаштириш, бог-роғларни тартибга келтириш, синф хоналарини таъмирлаш ишлари ниҳосига етказилди. Барча ўқувчиларга ижара тизими асосида дарсликлар тайёрлаб қўйилди. Мактаб либоси борасида ҳам энг маъқул йўл танланди.

Ёзги таътилда мактабда ташкил этилган оромгоҳда ўғил-қизларнинг мароқли дам олиши таъминланди. 150 нафар ўқувчи мазмунли хордиқ чиқариш билан бирга, турли тўғарак-

ларда шугулланиб, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашди.

Айтиш лозимки, мактабдаги ободончилик ишлари мавсумий бўлмай, узлуксиз давом эттирилади. «Ёшлар боғи», «Устозлар боғи» ва «Битирувчилар боғи» ташкил қилинган. Жамоаниннг тадбиркорлик фаолияти ҳам эътиборга молик. Чунончи, хозирда ёрдамчи ҳўжаликда бир неча қорамоллар боқилапти. Келгусида сигирлар янада кўпайтирилиб, мактаб ошхонасида ўқувчиларни сут маҳсулотлари билан таъминлаш режалаштирилган.

Ашурали БОЙМУРОД

Аҳоли саломатлигини асраш йўлида

Ўзбекистон миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган матбуот анжумани тиббиёт соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ҳамда истиқболдаги устувор вазифалар муҳокама-масига бағишланди.

Таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган кенг қўлмалли ислохотлар натижа-сида аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси етти йилга ўзайиб, эркаклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етди.

Вилоят марказларида катталар ва болалар учун иқтисослаштирилган тиббиёт муассасалари бунёд этилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соҳага кадрлар тайёрлаш ҳамда фармацевтика-ни ривожлантириш йўна-лишларида қатор ислохотлар амалга оширилди.

Тиббиёт соҳаси тинимсиз янгиланиб бораётган ва ўта мураккаб жарроҳлик операция-лари ўтказилаётган юксак технологиялар асрида етак-чи халқаро институтлар билан мустаҳкам ҳамкорлик ало-қаларини йўлга қўйиш, жаҳон

тажрибасини ўрганиш дол-зарб масалалардан бири экан-ни анжуман иштирокчилари томонидан таъкидлаб ўтилди. 2011 йили дунёдаги нуфузли «Save the children» («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилоти томонидан тузил-ган рейтингда Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги етакчи ўнта мамлакат қаторидан жой олгани ҳам таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистонда жаҳон тажрибасига асослан-ган Миллий эмлаш тақвими қабул қилинган бўлиб, ҳар йили болаларнинг асосий қисмини юқумли касалликларга қарши эмлаш кўзда ту-тилган.

Висола ҚАРШИБОВЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Ватан туйғуси ҳар нарсадан улуг!

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида «Мустақиллик — ҳуқуқ демократия» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда маърузачилар мустақиллик йилларидаги таълим тизими, хусусан, кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратилаётгани, ҳар бир соҳада олиб борилаётган янгиланишлар, ёшларнинг мамлакат тараққиётидаги ўрнига батафсил тўхталиб ўтишди.

Seminar

ўзимизни асрашимиз зарур, — дейди Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлиғи, генерал-майор Абдулла Қўлдошев. — Бунинг учун, аввало, ўтмишдан сабоқ олишимиз ва маънавий билимларимизни шакллантиришимиз керак. Илм масканимизда ёшларга таълим ва тарбия беришда айнан шу жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратилган.

Тадбир якунида таълим муассасасининг бадий жамоаси ижросида бадий дастур намоиши этилди, Ватан мадҳи тараннум этилган куй-қўшиқлар янгради.

Олимжон ЖУМАОБОВ,
«Ma'rifat» мухбири

— Бугунги глобаллашув жараёнида четдан кириб келаётган ёт ғоялардан ҳар биримиз

(Давоми. Боши 1-бетда.)

– Ўзбекистон илм-фани ҳақиқатдан ҳам бутун дунёда обрў-этиборга эга ва йилдан-йилга унинг салоҳияти юксалиб бормоқда, – дейди **Ўзбекистон Фанлар академиясининг Астрономия институти директори, физика-математика фанлари доктори, профессор Шухрат ЭГАМ-БЕРДИЕВ**. – Буларнинг барчаси мамлакатимиз илм-фани ривожига Президент Ислам Каримов томонидан қаратилаётган катта эътибор самарасидир. Илм-фан ҳар доим давлатимиз томонидан қўллаб-қув-

ларга юртимиз билан боғлиқ номларнинг берилиши нафақат ўзбек илм-фанининг, балки мамлакатимиз мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларнинг дунё миқёсида эътироф этилаётганидан ёрқин далolatдир.

– **Номини самовий жисмга бериш орқали абдийлаштирилиши учун обсерватория қандай юксак салоҳиятга эга бўлиши лозим?**

– Ўзбекистон Фанлар академиясининг Майданак обсерваторияси ёруғлик вақтининг узунлиги ва самовий жисмларни акс этти-

чиқиш амалга оширилганини қайд этиш жоиз. Унинг қаърида миллиард-миллиард галактикалар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, юз миллиардлаб юлдузлардан ташкил топган. Энг узоқ масофада жойлашган жисмлар – квазарлардир. Улар таратаётган зий Қуёш ва Ер жойлашган Сомон йўли каби буюк галактикадаги 300 миллиард юлдузнинг жами нуридан юз мартаба орттиқди. Квазардан Ер томон таралган нур миллиардлаб йиллардан сўнггина сайёрамизга етиб келади.

Бугунги кунда Майданакда кўриш мумкин бўлган Ко-

келаётган 6500 астероидлар гуруҳи мавжуд. Яқинда БМТнинг махсус қарорига кўра ушбу гуруҳга «хавф эҳтимоли мавжуд астероидлар» номи берилди. Бу билан ушбу фазовий жисмлар Ерга тўқнашуви оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган табиий ва техноген тусдаги ҳалокатлар натижалари туфайли инсоният цивилизациясига хавф солиши мумкинлигига эътибор қаратилди.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, Япония, АҚШ ва бошқа айрим давлатлар ҳукуматлари томонидан Фазовий хавфсизлик хизмат-

учун барча шарт-шароитларни яратиш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган сиёсатнинг устувор йўналишига айланди. Бунинг натижасида бугунги кунда мамлакатимиз илм-фанига фундаментал билимларга эга, мустақил, ижодий фикрлашга қодир бўлган ёшлар авлоди кириб келмоқда. Уларни илмий фаолиятга тайёрлаш мақсадида институтимиз мамлакатимиз етакчи олий ўқув юр்தларининг турдош кафедралари билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Иқтидорли талабалар илмий-тадқиқот жараёнида бевосита ишти-

ЯНГИ САЙЁРАГА "МАЙДАНАК" НОМИ БЕРИЛДИ

ватланмоқда. Фаннинг энг илғор йўналишлари, шу жумладан, астрономия бўйича кенг тадқиқотлар олиб бориш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бунинг институти мисолида ҳам кўриш мумкин. У замонавий астрономик ускуналар билан жиҳозланганлиги ва илмий кадрларнинг салоҳияти жиҳатидан хориждаги етакчи марказлардан қолишмайди.

"Майданак" астероиди Қуёш тизими кичик сайёралари орасида номи Ўзбекистон билан боғлиқ еттинчи сайёра бўлди. Чет эллик астрономлар томонидан турли даврларда очилган кичик сайёралардан бештасига "Ўзбекистания", "Авиценна", "Улуғбек", "Беруний" ва "Хоразмий" деб юртимиз ва жаҳон фани ривожига улкан ҳисса қўшган ота-боболаримизнинг буюк номлари берилган. Яна бир сайёра бизнинг олимларимиз томонидан 2009 йилда "Майданак" обсерваториясида очилган. Президентимиз Ислам Каримов тақдирига кўра, унга буюк мутафаккир Мирзо Улуғбек даврида жаҳон астрономиясининг маркази бўлган шаҳар – "Самарқанд" номи берилган.

Давоғарлар кўп бўлишига қарамай, ушбу сайёра-

риш сифати бўйича, яъни, илмий тил билан айтганда, астроклимга кўра, Канар ва Гавая оролларидаги энг яхши халқаро обсерваториялардан мутлақо қолишмайди. Бугунги кунда у МДХдаги энг фаол иш олиб бораётган астрономик обсерваториялардан биридир. Майданакдаги ўнлаб телескоплар ҳар бир ойдin тунда юзлаб самовий жисмлардан сигналларни қабул қилиб олади. Бу билан у ноёб астрофизик объектлар мониторингинг бўйича халқаро дастурларга оид ўз мажбуриятларини бажаради. Обсерваториямиз имкониятларини янада яққолроқ тасаввур қилиш учун қуйидаги мисолни келтираман. Майданакдан туриб 385 минг километр масофадан Ойдаги бир километр ўлчамдаги ландшафт тафсилотларини кўриш мумкин. Телескоп орбитал станцияга қаратилса, бир метр ўлчамли тафсилотларни ҳам кўриш мумкин бўлади, яъни ҳаттоки станциядан очик фазода ишлаш учун чиққан фазогирни бемалол кузатиш мумкин.

Айни пайтда Майданак обсерваториясида фаолият олиб бораётган олимларнинг сўнгги йигирма йил давомидаги энг муҳим ютуғи сифатида галактикалардан ташқари макон – Улкан Коинотга

инотнинг энг чеккасида жойлашган объектлар – квазарларни кузатиш дастури бажарилмоқда. Бугунги кунда бу ҳеч кимни ҳайратлантирмайди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда астрономия соҳасида кенг халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва соҳага етакчи ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш учун барча шарт-шароитлар яратилгани туфайли ана шундай юксак натижаларга эришилмоқда.

– **Кейинги йилларда Ўзбекистонда, бутун дунёда бўлгани каби, кичик сайёраларни ўрганишга бундай катта эътибор қаратилаётганига сабаб нима?**

– Кичик сайёралар, ёки астероидлар каттиқ фазовий объектлар ҳисобланади. Улар Қуёш тизимида оид жисмлар бўлиб, йирик сайёралар билан биргаликда ўз орбиталари бўйлаб Қуёш атрофида айланади. Айни пайтда улар йирик сайёраларнинг гравитацияси таъсирида тез ва қутилмаган тарзда ўз йўналишини ўзгартириши ҳам мумкин. Сўнгги халқаро тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 500 мингга яқин очилган астероидлардан Ерга яқинлашиб

лари (Space Gyard) ташкил қилинди. Аммо астероидларнинг «хатти-ҳаракати»ни узлуксиз кузатиш учун бундай хизматларда банд бўлган астрономик обсерваториялар билан бутун Ер юзасининг қопланиши муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли Япониянинг миллий обсерваторияси олимлари ўзбекистонлик ҳамкасбларига мурожаат этиб, Майданак обсерваторияси негизда ана шундай марказ ташкил этиш таклифи билан чиқишди. Энди Майданакдаги телескоплар осмонни кузатиб, хавфли астероидларни сайёрамизга яқинлашмасдан туриб аниқлаш орқали қуррамыз аҳолиси хавфсизлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

– **Астрономия институтида олиб борилаётган чуқур тадқиқотлар, шубҳасиз, олимлардан ўз биланлари ошириш бора-сида муттасил ишлашни ва айни пайтда ёш олимларнинг тегишли тайёр-гарлигини таъминлашни тақозо этади...**

– Бу – замонавий илм-фаннинг асосий вазифаларидан биридир. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларнинг энг юксак халқаро стандартлар даражасида таълим олишлари

рок этмоқда. Ҳар йили дунёнинг энг нуфузли журналларида институт ходимларининг эллика яқин мақолалари чоп этилади. Таъкидлаш жоизки, улар асосан ёш тадқиқотчиларнинг изланишлари маҳсулидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 июлда қабул қилинган «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони диссертация ишлари ва умуман илмий фаолият даражаси ва сифатини оширишда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлмоқда.

Бундан 21 йил аввал қўлга киритилган мустақиллик жонажон Ўзбекистони миз халқига янги, эркин ҳаёт сари йўл очиб берди. Тарихан қисқа вақт ичида Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида мисли кўрилмаган ўзгаришлар амалга оширилди. Биз, олимлар ҳам амалга оширилаётган ислохотларга ўз ҳиссамизни қўшишимиз ҳам фарз, ҳам қарз. Зеро, мақсадимиз бутун дунёда Ватанимиз обрў-этиборини оширишдир.

**ЎЗА мухбири
Анна ИВАНОВА
суҳбатлашди.**

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Юртимизда ишбилармон аёлларга кенг имкониятлар яратилаётгани уларнинг оиладаги ва жамиятдаги мақеини, фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Фаргона вилояти Бешариқ тумани Рапқон қишлоғида яшовчи Зарифа Мамажоновна ҳам ана шу имкониятлардан фойдаланган ҳолда тикувчилик цехи очиб, қишлоқ аёлларининг бандлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшаётир.

Зарифа ўз бизнес ғоясини амалга оширишида "Микрокредит-банк"нинг Қўқон шаҳар филиали ажратган 18 миллион сўм миқдори-

даги кредит яхши мадад бўлди. Замонавий тикув машиналари харид қилиниб, кичик корхона ишга туширилди. "Зарифахон зарлари" номи билан аталган ушбу корхонада ўндан зиёд чевар қиз бежирим ва сифатли тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда.

Суратда: Бешариқ туманидаги "Зарифахон зарлари" хусусий корхонаси чеварлари Муқаддам Ҳолматова ва Умида Миртожиева.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.



Президентимизнинг 2012 йил 28 май куни қабул қилинган «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида машғулотларда ўқувчиларнинг ҳам ижодкор, ҳам фаол шахс сифатида иштирок этишини таъминлайдиган усулларнинг жорий қилиниши долзарб вазифа сифатида қайд этилган. Шундай усуллардан бири «Лойиҳалар» бўлиб, ўтган асрнинг йигирманчи йилларида вужудга келган «Муаммолар» деб ҳам аталган усул яратилишини океанорилик файласуф ва педагог Д.Дьюи ва шогирди В.Килпатрикнинг фалсафа ва таълимни инсонпарварлаштиришга йўналтирилган ғояларига боғлайдилар. Д.Дьюи дарсда ўқитувчи эмас, ўқувчи фаол бўлмоғи лозим деб ҳисоблайди. Фикрлаш жараёнининг асосий ҳалқаси муаммони қўйишдир. Ўзига яхши таниш, уни қизиқтирадиган, реал ҳаётдан олинган муаммо бўлсагина, ўқувчи ечимни излайди. Ўқитувчи эса унинг янги маълумотлар манбаини топиши, фикрларини керакли томонга йўналтиришига ёрдам беради. Ўқувчи ўзида мавжуд ва зарур бўлган янги билимларни олиб, муаммонинг ечимини топади ва синаб кўради. Ижодий фикрлашнинг тўлиқ жараёни амалга оширилади ва бундай дидактик тизимга муаммоли дарс ўтиш дейилади.

Д.Дьюининг фикрича, ўқув материални муаммоллаштириш, ўқувчининг фаоллиги, таълимнинг ҳаётга боғланиши муваффақиятнинг асосий шартлари ҳисобланади.

Ўқувчиларда ижодий фикрлашни шакллантириш учун муаммоларнинг турли қирралари ва улар орасидаги боғланишларни кўра билиш, муаммоларни аниқлаштириш ва синтез қилиш, ғояларни гуруҳлаш ва ўзаро боғлиқликларни топиш, ғоялар тузилишининг мукамаллигини ҳис қилиш каби қобилиятларни ривожлантириш зарур. Демак, муаммоли дарс ўтишининг дидактик тизими ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилияти ривожланишига ёрдам кўрсатади.

Муаммони ечиш жараёнида аналогияни топишдан фойдаланиш тавсия этилади. Лойиҳаларни ечиш учун эса тўғридан-тўғри аналогия, яъни фан ва техниканинг бошқа соҳаларида шунга ўхшаш муаммоларни ҳал этишда фойдаланиладиган усулларни қўллаш жуда мос келади.

Муаммоли вазиятни вужудга келтиришнинг асосий усуллари эса қуйидагилар:

— ўқитувчи фикрлар қарама-қаршилигини вужудга келтиради ва ўқувчиларга ечим топишни таклиф қилади;

— қарама-қаршилиқларни амалий фаолиятга қўчиради;

— бир саволга бир неча хил нуқтаи назарни баён этади;

— воқеага турли вазиятлардан қарашни таклиф қилади;

— солиштиришга, умумлаштиришга, хулоса чиқаришга ундайди;

— аниқ саволлар беради;

— муаммоли масалаларни қўяди.

В.Килпатрик лойиҳаларни 4 типга — яратувчи (ишлаб чиқарувчи), истезмолчи, муаммони ечиш лойиҳаси, лойиҳа — машққа бўлади.

«Лойиҳалар» усулининг асосий вазифаси ўқувчиларни реал ҳаётда рўй берадиган муаммоларни ўрганиш ва ечиш учун зарур билимлар билан қуроллантиришдир.

Бу усул ўқувчиларга барча билимларининг нима

«ЛОЙИҲАЛАР» УСУЛИ

ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш
қобилиятини ривожлантиради

учун кераклиги ва уларни қаерда, қандай қилиб қўллашни ўргатади.

Лойиҳали таълим ва хонада дарс ўтиш тизими шакли ҳар хил бўлса-да, бир-бирини инкор этмайди. «Лойиҳалар» усулидан бошқа ўқитиш системаларига қўшимча сифатида фойдаланиш мумкин. Шунинг учун ҳам лойиҳа битта фандан, фанлараро ва фанлардан ташқари бўлади. Битта фан бўйича таълим лойиҳаларини синфхонасидаги дарс асосида ўрганиш жуда қулай. Бунинг учун ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида барча имкониятлар мавжуд.

Таълим лойиҳалари ва уларга қўйиладиган талаблар:

1. Лойиҳа ўқувчиларнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилади ва мавзуси бутун синф учун бир хил, амалга ошириш эса ҳар бир гуруҳ учун турлича. Ҳар бир ўқувчининг ўзи ҳам алоҳида лойиҳа билан шуғулланиши мумкин.

2. Лойиҳа ўқувчиларнинг яқинлари — курсдошлари, гуруҳдошлари, ота-онаси, танишлари учун аҳамиятга эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

3. Лойиҳа устидаги иш илмий изланиш характериға, педагогик аҳамиятга эга бўлиши керак. Жараёнда ўқувчилар қўшимча билимлар олишади, ўзаро муносабатлар ўрнатишади, ижодий фикрлаш ва ҳаракат қилишнинг зарур усулларини эгаллашади.

4. Гарчи олдиндан режалаштирилган бўлса-да, зарур ҳолларда лойиҳани ўзгартириш имкониятлари сақлаб қолиниши, аниқ муаммони ечишга қаратилиши, таълим муассасининг имкониятларини ҳисобга олиб тузилган бўлиши керак.

— адабиёт, санъат, тарихий воқеалар — бахшичилик, ўймакорлик, Амир Темурнинг ўғиллари ва ҳоказоларга бағишланган лойиҳалар.

Ўқувчиларда тасаввурни ривожлантириш ижодий фикрлашни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Таълим лойиҳаларининг аксарияти эса болалар тасаввурини ривожлантиришга бевосита алоқадор бўлади.

Таълим лойиҳаси маълум тузилиш (лойиҳа номи, лойиҳанинг шиори, умумий характеристикаси, ғояси, мақсад ва вазифалари, бажарилиш муддати, амалга

ошириш босқичлари ва ҳоказо)га эга бўлади:

Педагог олим И.Чечел лойиҳа билан ишлашнинг куйидаги босқичларини таклиф қилади:

1) Мақсадни аниқлаштириш: қарама-қаршилиқларни белгилаб олиш, муаммони тавсифлаш;

2) Текширишнинг мумкин бўлган вариантларини муҳокама қилиш, мўлжалланган стратегияларни со-

Sinab ko'ring

лиштириш усулларини танлаш;

3) Ўқитувчилар ёрдамида мавжуд билимларни фаоллаштириш ва ўз билимини ошириш билан шуғулланиш;

4) Фаолият йўлларини ўйлаб топиш, вазифаларни тақсимлаш;

5) Текшириш, алоҳида масалаларни ечиш;

6) Натижаларни умумлаштириш ва хулоса чиқариш;

7) Муваффақиятлар ва хатолар таҳлили.

Чечелнинг фикрига кўра, биринчи босқичдан тўртинчисигача биргаликда ишлаш фаолиятида ўқитувчи ҳиссасининг камайиши кузатилса, тўртинчидан еттинчи босқичгача бу ҳисса ортади. Ўқувчининг фаолияти эса биринчи босқичда паст, бошқаларида эса юқори даражада бўлади.

Лойиҳа билан ишлашда ўқитувчи:

— ўқувчиларга керакли манбаларни топишга ёрдам беради;

— ўзи маълумотлар манбаи бўлади;

— бутун жараёни бошқариб туради;

— ўқувчиларнинг лойиҳа устида муваффақиятли ишлаши учун зарур бўлган узлуксиз қайта алоқани қўллаб-қувватлаб туради.

В.Гузеев лойиҳа билан ишлашда қуйидаги кетма-кетликни таклиф қилади: (жадвалга қаранг)

Лойиҳа билан ишлаш босқичи	Бажариладиган иш	Ўқувчининг фаолияти	Ўқитувчининг фаолияти
Тайёргарлик	Лойиҳанинг мавзуси ва мақсадларини аниқлаштириш	Ўқитувчи билан лойиҳани муҳокама қилади ва зарур бўлганда қўшимча маълумотларни олади, мақсадни аниқлаштиради	Ўқувчиларни лойиҳалар усулининг маъноси билан таништирилади, мақсадни аниқлаштиришга ёрдам беради
Режалаштириш	а) маълумотлар манбаини аниқлаш; б) маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш; в) натижаларни тақдим этиш усулларини (ҳисобот формасини) аниқлаш; г) жараён ва унинг натижаларини баҳолаш меzonларини аниқлаш; д) жамоа аъзолари орасида вазифаларни тақсимлаш.	Харакат режасини тузади Масалани шакллантиради	Ғоялар таклиф қилади, мулоҳазаларини билдиради
Текшириш	Маълумотларни йиғиш, орилиқ масалаларни ечиш, интервью, сўровлар, кузатиш, тажрибалар ўтказиш.	Оралиқ масалаларни ечиб, текширишлар ўтказиш	Кузатади, маслаҳат беради, фаолиятга билвосита раҳбарлик қилади
Натижалар ёки хулосалар	Маълумотларнинг таҳлили Хулосаларни ифодалаш.	Маълумотларни таҳлил қилади	Кузатади, маслаҳат беради
Таништириш ёки ҳисобот	Натижаларни тақдим этиш шакллари: озғак ҳисобот; натижаларни намоиш этиш билан озғак ҳисобот; ёзма ҳисобот	Ҳисобот беради, муҳокама қилади.	Эшитилади. Оддий иштирокчи сифатида аниқ мақсадларга йўналган саволлар беради
Натижаларни ва жараёни баҳолаш		Жамоа муҳокамаси иштирокчиси сифатида баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолашда иштирок этади	Ўқувчилар фаоллигини, қобилиятини, манбалардан фойдаланганини, фойдаланилмаган имкониятларни, лойиҳани давом эттириш имкониятларини ва яқиний сифатни баҳолайди.

«Лойиҳалар» услубидан фойдаланиш дарс ва машғулотлар самарадорлигини ошириш билан бирга, ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, фаоллигини кучайтиради.

Абдуқаҳҳор ҒАНИЕВ,
физика-математика фанлари номзоди, доцент

ЖАМҒАРМАНИНГ МУҲИМ ИЖТИМОЙ ТАШАББУСЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

"Келажак ovozi" – 2012" медиа-оромгоҳи лойиҳасида иштирок этиш учун Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан 150 нафар энг иқтидорли ва фаол ёш авлод вакиллари саралаб олинди. Оромгоҳда ёшлар босма оммавий ахборот воситалари, интернет-журналистика, "Lingvo" тил ўргатиш курслари ва ахборот технологиялари соҳалари каби тўрт йўналиш бўйича ўқитилди.

– Медиа-оромгоҳдаги таълим дастури ғоят рангбаранг ва мазмунли бўлди, – дейди "Ахборот технологиялари" йўналиши гуруҳи етакчиси Фаёзжон Бердиев. – Биз учун юқори технологиялар соҳасидаги билим ва маҳоратимизни амалда кўрсатиш имконияти яратилди. Мен 3D графикаси, веб-дизайн ва веб-дастурлашни ўрганиш машғулотларидан иштирок этдим. Биз "kelajakpress.uz" сайтининг янгиланган кўринишини яратдик. У кўпчиликка манзур бўлди, деб ўйлайман.

Шуниси диққатга сазоворки, оромгоҳнинг ҳар бир куни "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг энг муҳим ва йирик лойиҳаларига бағишланди. Кино, театр, ёшлар лойиҳалари, кўргазмалар, мода ва дизайн кунлари ўтказилди.

Айни вақтда санъат арбоблари, ижодкорлар, экспертлар, медиа соҳаси мутахассислари, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари, тақдиротлар ва маданий тадбирлар ҳам бўлиб ўтди.

– Медиа-оромгоҳда мен мураббий сифатида қатнашдим, – дейди франциялик кинопродюссер ва режиссёр Ражи Фазалбош. – Ёш режиссёрлар, оператор-

лар ва фотосуратчилар учун маҳорат дарслари ўтказдим. Шуниси қувонарлики, Ўзбекистон ёшларининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган катта қизиқиши туфайли биз улар билан самарали ижодий мулоқот қилишга муваффақ бўлдик. Иштирокчилар машғулотларга амалий руҳда ёндашиб, келажакда танлаган касбларининг сир-асрорларини чуқур ўргандилар. Ўйлайманки, ёшларнинг медиа-оромгоҳга бўлган қизиқиши йил сайин янада ортиб боради, чунки мазкур тадбир ҳар бир иштирокчининг истеъдоди ва имкониятларини тўла намоён этишига хизмат қилади.

Медиа-оромгоҳ якуни бўйича етакчи халқро ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Жорий йилда матбуот анжуманининг қўламини кенгайтириб ва "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг энг йирик лойиҳалари якунларига бағишланди. Учрашувни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — лойиҳа иштирокчилари ва ташкилотчилари ўртасида эркин мулоқот, савол-жавоблар, ўз фикрларини очиқ баён этиш учун самимий муҳит яратишдир.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси васийлик кенгашининг раиси Гулнора Каримова журналистларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Айниқса, Мустаҳкам оила йилига бағишланган кенг қамровли "1000 никоҳ ва 1000 суннат тўйи" хайрия лойиҳаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Лойиҳа "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан "Аёллар кенгаши"

Республика жамоат бирлашмаси, "Ижтимоий ташаббусларни кўллаб-қувватлаш жамғармаси" ва "Меҳр нури" жамғармаси ҳамкорлигида амалга оширилди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, лойиҳадан кўзланган асосий мақсад — жойларда хайрия ишларини янада фаоллаштириш, қадимий урф-одат ва удувлар, ўзаро ёрдам кўрсатиш анъаналарини қайта тиклаш, муҳим оилавий тантаналарни кўплашиб ўтказиш, маҳалла ва маҳаллий ҳомийлар саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдир.

Лойиҳа доирасида 2012 йилнинг март ойидан ноябрь ойига қадар мамлакатимиздаги ижтимоий кўмакка муҳтож минг нафар оиланинг никоҳ ва минг нафар боланинг суннат тўйларини ўтказилади. Бу борада ташкилотчи жамғармалар томонидан келинлар учун "Gul" брендиндан тақдим этилган тўй либослари, "Келин салом" учун рўмоллар, спорт кийимлари каби махсус совғалар тайёрланган. Ўз навбатида, жойларда никоҳ тўйларини ўтказишда ҳамкор ташкилотлар ва ҳомийлар ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг ўнта вилоятида 682 никоҳ ва 847 суннат тўйларини ўтказилди. Лойиҳа иштирокчиларининг умумий сони 45 минг кишини ташкил этди.

Жиззахлик Камол ва Нилуфар Аввалбоевлар мазкур лойиҳанинг бевосита иштирокчилари. 2012 йилнинг 26 июнь куни уларнинг никоҳ тўйларини бўлиб ўтди. Ёшлар бу кунни интиқлик билан кутишди ва ушбу тантана мазкур ижтимоий кўмак туфайли нафақат ёш келин-куёв, айни вақтда уларнинг яқинлари ва қариндошлари ҳаётида ҳам унутилмас воқеага айланди. Мамлакатимизда яна бир

мустаҳкам ва иноқ оила пайдо бўлди.

Матбуот анжуманида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг ёш авлодига ҳар томонлама қамол топишига кўмаклашиш, уларнинг ўз истеъдодини намоён этиши, ижодий ва ўқишдаги ташаббусларини кўллаб-қувватлашга йўналтирилган энг йирик ва кенг қамровли лойиҳаларидан бири — ёш истеъдодларнинг "Келажак ovozi" республика танловига доир кўплаб саволлар берилди.

Анжуманда танлов ёшлардан жиддий тайёргарликни талаб этиши, саралашнинг барча босқичларидан муваффақиятли ўтган энг муносиб номзодларгина қўлагида кўлга кириши мумкинлиги таъкидланди. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги барча ўрта махсус ва олий ўқув муассасаларида танловнинг дастлабки саралаш босқичи якунланди. "Келажак ovozi" танлови мамлакатимизда иқтидорли ёшлар нечоғлик кўпчилигини яна бир бор яққол кўрсатди. Бугунги кунда юз минглаб ёшлар мазкур танловда иштирок этиш истagini билдирмоқда.

Анжуманда, шунингдек, мамлакатимиз бўйлаб муваффақиятлар билан қайд этилди. "Меҳр нури" жамғармасининг мазкур лойиҳасини ўтказиш учун жорий йилда янги ҳамкор ташкилот — "Ўзбекистоннинг ижтимоий маъсулиятли фуқаролари форуми" ҳам қўшилди. Ҳар бир вилоятда аҳоли, "Келажак ovozi" ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари ва "Ўзбекистоннинг ижтимоий маъсулиятли фуқаролари форуми" нодавлат нотижорат ташкилоти ходимлари саъй-ҳаракати билан ҳашар-

лар ташкил этилди. Мазкур тадбирларда 40 мингдан ортиқ киши иштирок этди.


Журналистлар томонидан "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва унинг ҳамкор ташкилотларининг бошқа ижтимоий лойиҳаларига доир ҳам кўплаб саволлар берилди. Улар ҳар йили ўтказилаётган "Болалик учун" хайрия бали, "Инклюзив таълим: миллий моделни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга жорий қилиш" лойиҳаси, грантлар дастурлари, кўрак беги саратонига қарши лойиҳалар тўғрисидаги батафсил маълумотлар билан таништирилди.

Анжуманда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси бугунги кунда миллий меросимиз, анъаналар, маданият ва санъатимизни қайта тиклаш, ёшлар ва ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган барча инсонларни кўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий аҳамиятга молик ташаббусларни ривожлантириш ва профессионаллар, тадбиркорлар ва жамоатчиликни бирлаштириши самарасида ижтимоий шерикликнинг ўзига хос моделига айлانгани таъкидланди.

Матбуот анжумани доирасида Лондонда ўтказилган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида медалларга сазовор бўлган спортчиларимиз — Артур Таймазов, Сослан Тигиев, Ришод Собиров ва Аббос Атоевларни шарафлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Уларнинг келгуси фаолиятларида янада улкан муваффақиятлар тилаб, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан совғалар топширилди.

Тадбир эстрада юлдузлари иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири



Янги ўқув йили арафасида барча ота-оналар фарзандларини мактабга йўллаш тараддулида бўлади. Улар мактаб либослари, ўқув қуролларини танлар экан, фақатгина бир ният илинжида бўлишади: болам аъло баҳоларга ўқиб вояга етсин, оиламиз, жамиятимиз учун керакли инсонлар қаторидан жой олсин! Бундай ширин ташвиш огушидаги юртдошларимизга енгиллик ва қулайликлар яратиш мақсадида республикамизнинг турли ҳудудларидаги 1207та мактабда «Мактаб ярмаркаси» ташкил этилди. 26 номдаги ўқиш учун керакли воситалар ва кийим-кечаклар сотилиши таъминланган бундай мактаб бозорларидан юртимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар ўрин олган. Таълим муассасалари ва жамоатчи ташкилотларнинг ҳамкорлиги кенг йўлга қўйилиши натижасида икки ой мобайнида фаолият кўрсатадиган савдо ярмаркалари ота-оналарнинг кўнгли-

дан чиқмоқда. Чунки узоқ масофага ёки қишлоқдан шаҳарга бориб келиш вақти ҳамда ортиқча харажатларнинг сарфланмаслиги уларга қулайлик туғдирапти.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Аҳмад Дониш маҳалласида ташкил этилган «Мактаб бозори»га ўғли Санжар Раҳимов билан келган Нилуфар Раҳимова шундай дейди:


— Ушбу ярмаркадан ўғлимнинг мактабда ўқиши учун зарур бўладиган барча ўқув қуроллар, сумкани шу ердан харид қилдим. Айниқса, бу йил сифатли ва арзон, турли андозадаги мактаб либослари ҳам савдога қўйилгани айтиш мумкин бўлибди. Энди кўпчилик ота-оналар қаршисидаги «мактаб либосини нима қилсам экан» деган муаммага ҳолат қолмайди.

Суратда: «Мактаб бозори»дан лавҳа акс этган.

Сурат муаллифи Бурҳон РИЗОКУЛОВ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Юртдошларимизни,
байрам арафасида
Ватанимизга ташириф
буюрган меҳмонлар
ва сайёҳларни
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
ва Халқ таълими вазирликлари
tizимида меҳнат қилаётган
барча азизларни
Энг улуғ, энг азиз
байрам — Мустақилликнинг
21 йиллик тўйи
билан қутлайди!
Сизларга қалбимиздаги
энг эзгу тилакларимизни
йўллаймиз.



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ректорати,
профессор-ўқитувчилари ва
университетнинг ижтимоий
ташкилотлари жамоалари,
барча юртдошларимизни,
Республикамизнинг
фан ва таълим тизимида
меҳнат қилаётган
ҳамкасбларимизни
мамлакатимиз

Мустақиллигининг

21 йиллик байрами

билан муборакбод этади!
Барчага тинчлик-хотиржамлик,
бахт-саодат, келгусидаги
ҳаётларингизда омад ва
зафарлар тилаймиз.



ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИЯТЛАР

ёшлар камолида муҳим омил вазифасини ўтаяпти

Истиклол илм-фан имкониятлари учун ҳам кенг йўл очди. Юксак салоҳиятли ёшлар мамлакатига айланиб бораётган Ўзбекистонда бугун ёш олимлар, тадқиқотчиларга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Яратилаётган шарт-шароитлар, кўрсатилаётган

эътибор самараси ўлароқ ёш олимларимиз эришаётган ютуқлар дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилаётгани қувонарли, албатта. Куйида илм-фан йўлида изланишлар олиб бораётган умидли ёш тадқиқотчиларнинг бу борадаги фикрлари берилаётир.

ТАРИХ САБОҚЛАРИ

“Тарих бу — тадқиқот, ҳақиқатни тиклаш, жамики нарсаларнинг асоси ва ибтидосини аниқлаш, ҳодисалар моҳиятини ўрганишдир”, деб ёзган эди араб тарихчиси Ибн Халдул. Ортимиз мустақилликка эришгач, ўз тарихимизни янгидан ҳаққоний, холислик тамойиллари асосида ёзишга имкон туғилди. Шу мақсадда 1996 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси (ҳозирги Давлат бошқаруви академияси) қошида “Ўзбекистоннинг янги тарихи” маркази ташкил этилиб, уч томли “Ўзбекистоннинг янги тарихи” китоби нашрдан чиқарилди. Президентимизнинг бир гуруҳ тарихчилар билан 1998 йил июнь ойидаги суҳбатида, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихини, ўтмишимизнинг бошқа саҳифаларини илмий асосда холис ёритиш вазифалари белгилаб берилгани тарихчи олимларимиз зиммасига улкан масъулият юклади.

Илмий тадқиқот ишим ўзбек давлатчилиги тарихида ўз ўрнига эга бўлган Кўкон хонлигининг Хитой билан муносабатларига бағишланган. Собиқ тузум даврида хонлик тарихига оид қатор асарлар чоп этилган бўлса-да, мавзуга тарихимизнинг бошқа масалалари сингари коммунистик мафкура тазйиқи остида ёндашилгани воқеликнинг сохталаштирилишига олиб келди. Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиёнинг ўзаро алоқаларига бағишланган асарлар ва диссертациялар, Тошкентда ёки Самарқандда эмас, фақатгина “Марказ”нинг рухсати билан Москва ва Ленинграддаги Шарқшунослик институтлари илмий кенгашларида кўриб чиқилган ва ҳимояга тавсия этилган. Собиқ СССР билан Хитой ўртасидаги муносабатларнинг совуқлашиши оқибатида мавзуга оид илмий ишлар ёритилмас, Тошкентда олиб борилган кўпгина тадқиқотлар охирига етказилмай қоларди.

Айни кунда хонлиқнинг Хитой билан сиёсий-дипломатик, савдо, маданий алоқаларини тадқиқ этиш жараёнида кўпгина илмий янгилıklar қилишга эришдик. Жумладан, Пекин давлат архивида сақланаётган

Кўкон ҳукмдорларининг Хитой императорларига мактублари илк бор ўрганилди. Хитойда кўконлик хунармандлар ва савдогарлар ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилиш, улардан бож ундиришга мутасадди, Кўкон тангаларининг назоратига масъул оқсоқоллик (худойдо) институтининг моҳияти очиб берилди.

Маълумки, бу йил Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг ўрнатилганига 20 йил тўлди. Истиклол шарофати билан икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг яхшиланиши туфайли ҳамкор юртда сақланаётган Ватанимиз тарихига оид қимматли қўлёзмалар, архив ҳужжатлари билан танишиш, ҳатто уларни олиб келиш имкони яратилди. Келажакда Ўзбекистон тарихига оид мазкур манабаларни она тилимизга таржима қилиш ҳамда ушбу мамлакатда яшаётган ўзбеклар ва уларнинг тарихини ўрганиш асосий мақсадларимдан биридир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ.

Шерали ҚҮЛДОШЕВ,
тарих фанлари номзоди

Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан биз каби ёшларга илм ўрганиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва илм-фан чўққиларини эгаллаш учун улкан имкониятлар яратилган.

Илм йўли чексиз, нурли манзиллардан иборат. Бу йўлда тинмай қилинган меҳнат, изла-

лабораториялар, жиҳозлар ва бошқа керакли воситалар мавжуд. Кўплаб олимлар, илмий ходимлар биз каби ёшларга ўзларининг бор билим ва тажрибаларини ўргатадилар.

Кўпчилик оила ва илмни бир-биридан устун қўйишга ҳаракат қилади. Аммо иккисини биргаликда олиб бориш яхшироқдир. Биз — бир оила ва-

ОИЛАДА ИЛМИЙ МУҲИТ ЯРАТАЙЛИК

ниш, сабр-бардош инсонни ана шу нурли манзиллар сари етаклайди. Илмий изланишлар олиб бориш, фан оламида янгилıklar яратиш, илмий кашфиётлар қилиш бежиз игна билан қудуқ қазिशга менгзалмайди. Ҳозирги кунда илмий-тадқиқот ишлари билан шугулланаётган ёшлар жуда кўпчиликни ташкил этади. Шулар қаторида илм манзилларига эришиш орзу-истаги бизни ҳам пойтахт томон етаклади. Биз бир оила бўлиб, Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институтида илмий-тадқиқот ишларимизни бошладик. Институтда тажрибалар ўтказиш учун замонавий

киллари бир институтда илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдамиз. Фарзандимиз Муҳаммадшаҳзод 145-мактабга таълим муассасаси тарбияланувчиси. Ҳар гал уйда қўлимизга китобми, рўчками олганимизда ўғлимиз ҳам кўрганларини бажаргиси, билиб-билмай нимадир ўқигиси келади. Келажакда унинг бу каби интилишларини қўллаб-қувватлаш ниятидамиз. Фарзандимизнинг илм-маърифатли оилада китобга меҳр қўйиб камолга етаётганидан жуда хурсандимиз.

Воҳиджон АҲМЕДОВ,
Дилноза ДЎСМАТОВА

ТИЛИМИЗ — БОЙЛИГИМИЗ

Истиклол йилларида жамият ҳаётига янгича назар ва эътибор билан қарала бошлади. Шу боис юртимиз жадал ислохотлар ва туб бурилишлар масканига айланди. Жамият ҳаётидаги мазкур янгиланишлар илм-фан соҳасини ҳам четлаб ўтмайди, албатта. Айни ислохотлар бошқа фанлар қатори тилшунослик фани зиммасига ҳам муҳим вазифаларни юклди. Она тилига бўлган эътиборнинг тубдан ўзгариши, иш юритишда ўзбек тили устуворлигини таъминлаш бош вазифа, шунингдек, ўзликни англаш мезони бўлиб қолди. Бунинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғатини тайёрлади.

Орфография борасида қилинган ислохотлар — республиканинг дунё коммуникация тизимига тезроқ кириб боришини таъминлаш мақсадида лотин графикасига

асосланган янги ўзбек алифбосининг жорий этилиши мазкур изоҳли луғатнинг лотин ёзувидаги янги тўлдирилган наشريни тайёрлаш масаласини кун тартибига қўйди. Ушбу масала ҳам институт жамоасининг машаққатли меҳнатлари самараси сифатида юзага келиб, нашрга топширилиш арафасида турибди.

Ҳозирги кунда институт жамоаси сўнги йиллари лексикада юз берган ўзгаришларни қамраб оладиган катта лойиҳа — “Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиёти” устида иш олиб бормоқда. Мазкур даргоҳ ўзбек тилшунослиги юзасидан амалга оширилаётган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи ягона илмий марказдир. Менинг ҳам шу илм маскани вакили эканим зиммамга катта масъулият юклайди. Институтнинг стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси сифатида ҳозирга қадар ўзбек тилшунослигида ўрганилмаган ҳамда

алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган тил ҳодисаси устида — “Ўзбек тилида энантиосемия” мавзусида тадқиқот иши олиб бораёпман. “Энантиосемия” юнонча сўз бўлиб, бир сўз семантик структурасидаги ўзаро қарама-қарши маъноларни англатади. Энантиосемия сўз маънолари ўртасидаги қарама-қаршилиқни намоён этиши билан антонимияга ўхшаб кетса-да, бу маъновий зидликнинг икки сўз ўртасида эмас, бир сўз доирасида юзага келиши билан антонимиядан фарқ қилади. Ҳозирга қадар юртимиз ва хориж нашрларида мазкур мавзу юзасидан бир қатор мақолалар эълон қилдим.

Машҳур немис файласуфи Хегел немис тилидаги баъзи сўзларнинг айни хусусиятга (қарама-қарши маъноларга) эгаллиги ҳақида тўхталиб, немис тилининг бошқа тиллардан устун эканини таъкидлайди. Албатта,

олим ўзбек тилидаги сўзларнинг ҳам энантиосемик маъноларни ифодалашини, имконият доирасининг нақадар кенглиги ва бойлигини тасаввур қилмаган.

Маълумки, илм-фаннинг тараққий қилиш ҳозирга қадар ўрганилган илмий масалаларни қайта тадқиқ қилиш, янгича нуқтаи назар билан ёндашишни талаб этади. Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослиги ҳам ана шу йўлда бир қанча долзарб масалаларни ҳал қилган бўлса-да, ҳали бартавраф этилиши зарур бўлган масалалар ҳам кўп. Тилшунослар зиммасидаги энди муҳим вазифа орфоэпияни тартибга келтириш бўлиб, бу кечиктириб бўлмаас вазифалардандир. Шунингдек, лисоний бириклар моҳиятини лингвокултурологик ёндашув асосида тадқиқ этиш ва муайян назарий хулосалар бериш вақти ҳам келди.

Ёрқинжон ОДИЛОВ

Курбоной ая ҳозир нафақада, уйда ўтириб қолмай деб кичикроқ дўконча очиб олган. Турмуш ўртоғи бир неча йил олдин вафот этган, шунга қарамай, ёлғиз боши билан қизларини узатди, катта ўғлини ўқитди, кичиги ҳам талаба. Ўтган йили сергайрат бу аёл тасодифан оёғини қайириб олди. Бахтга қарши катта ўғли сафарда, қизлари эса бошқа вилоятга келин бўлиб тушган. Шифокорлар оёғини гипс қилиб, 2-3 ой юришга уринмаслиги кераклигини айтишди. Ая рўзгор ташвишларини, икки ўғилга қандай ғамхўрлик қилишини ўйлаб, хаёлга чўмди...

Дарвоза ёнида уни қўшни аёллар кутиб олишди. Курбоной аяни уйга олиб кирган қўшнларнинг бири ошхонада таом тайёрлашга, бошқаси бемор учун жой ҳозирлашга киришиб кетди. «Қизларингиз узокда, уларга хабар бермай қўяверинг», деди Ҳамият опа. Қўшнлар кунда-шунда бўлиб олишди. Онахонини маҳаллада барча ҳурмат-иззат қилади. Бошига тушган кичик ташвиш туфайли бунга яна бир бор амин бўлди. Уйдан одам аримасди. Кимдир секингина кўрпача остига пул қистириб кетади, кимдир овқат кўтариб чиқади...

Дарҳақиқат, қўшнларнинг бир-бири билан кирди-чиқди қилиши, иссиқ-совуғидан бохабар бўлиши қадим-қадимдан анъанага айланган. «Ён қўшни — жон қўшни», «Ҳовли олма, қўшни ол», «Гилам сотсанг, қўшнингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан!» деган мақоллар бежиз пайдо бўлмаган.

ОГОҲЛИК ТАНИШДАН БОШЛанади...

Кўҳна Шарқда одамлар жамоа бўлиб яшашга, бошқаларнинг фикри билан ҳисоблашишга одатланган. Шу боис қўшнларнинг муносабати ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ҳадиси шарифда: «Агар қўшнларинг сени яхши деяётганини эшитсанг, демак аяҳисан. Ёмон дейишаётганини эшитсанг — ёмонсан», дейилади. Қўшнисининг феъл-атвори, оиласи ҳамда турмуш тарзидан хабардорлик яхшилик аломати саналади.

Қўшничилик, аввало, бир-бирини таниш, билишдан бошланади. Агар биз ёнимизда яшаётганларни танимасак, оиласидаги умумий муҳитдан бохабар бўлмасак, бу бизнинг лоқайдлигимизни билдиради.

Раъно Ҳўжаева, Мирзо Улуғбек туманидаги Оқ-кўрғон маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:

— Маҳалламиз 55та кўпқаватли уй ва 24та яқка тартибдаги ҳовлидан иборат. Ҳовли-жойда истиқомат қиладиганлар ўртасида кўни-қўшничилик, маҳалла-қўй билан муносабат илқ

ва самимий. Айрим кўпқаватли уйларда эса қўшнлар бир-бирини танимайди. Шундай муаммоларнинг юзга келмаслиги учун болалар майдончалари, маҳалла идорасида уй бошлиқлари иштирокида турли мавзуларда суҳбатлар ўтказамиз. Пастда ўн-ўн беш нафар хотин-қиз йиғилганини деразадан кўрганлар дарҳол бизга қўшилиди. Бундай учрашувларда қизлар салооматлиги, тўй-ҳашамларни камчиқим ўтказиш каби муаммолар юзасидан суҳбат қилиш баҳонасида кўни-қўшнларнинг яқиндан мулоқотиға замин яратамиз. Уларга «Сиздан икки қават тепада турадиган Салима-хонини танийсизми?» дея савол берамиз. «Йўқ, танимайман», дея жавоб қилганлар, албатта, хижолат тортиб қўшнисини яхшироқ билишга интилади. Нафақат ўзбек оилаларини, балки бошқа миллат вакиллари шунга ҳам қақирамиз.

Кўпқаватли уйларнинг бирида Клавдия исми 90 ёшлардаги аёл ноғирон ўғли билан бирга истиқомат қилади. Унинг ҳолидан хабар олгани борганимизда қўшнлари ҳақида тўлқинланиб гапирди. Кимдир уларга кийим-кечак, яна кимдир озиқ-овқат улашади. Айниқса, Муяссархон ҳар куни иссиқ овқат олиб чиқиб, кампирнинг уйини тартибга солиб кетиши жуда катта савоб.

Ҳа, ўзбек халқида қўшничилик, маҳалла-қўй қадрланади. Аслида, қўшничилик бир коса овқат билан белгиланмайди. Балки бу меҳр, эътибор, мурувват ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

«БИР БОЛАГА ЕТТИ ҚЎШНИ ОТА-ОНА»

7 яшар Азиза кўчадан йиғлаб кириб, онасининг этагига ёпишди:

дай бўлар экан», деган тушунча шакллана бошлайди. Ўртбошимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарига таъкидлаганларидек, «Оилада кўни-қўшнларни кўролмаслик, фиску фасод, иғво муҳити ҳукмрон бўлса, ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси боланинг хотирасида тузатиб бўлмайдиган оғир асорат қолдиради».

«ПАРТАДОШИНГ — ҲАМСОЯНГ»

Қўшничилик барча мамлакатларда бор. Аммо ўзбек халқида ўзгача бир қадриятга айланган. «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал», деган мақол ҳам асрлар давомида ҳамсояларнинг ўзаро илқ муносабати натижасида келиб чиққан. Қўшничилик тушунчалари қалбимизга ёшландоқ сингдириб борилади. Бу ҳақда Низомий номидаги ТДПУнинг «Ўзбек адабиёти» кафедраси

Qadriyat

онамизнинг қўшнлари билан муносабати ҳақида сўзлаб беришимизни сўрарди. Кейин бир партида ўтирган болалар ҳам ўзаро қўшни эканини тушунтирарди. Бу тажриба синфда ўзлаштириш кўрсаткичи олишини таъминлайди.

Боланинг партадоши билан муносабати ҳам қўшничиликнинг бир кўриниши, аслида. Улар бир-бирига ёрдам бериб, дарсга тайёрлиги, бирор камчилигидан бохабар бўлиб туради. Кези келганда, шовқин қилаётган партадошига «Жим ўтир, дарсга халақит қилаясан», дея танбеҳ беради. Маҳалладаги қўшничиликдаги ўзига хос олдиберди тушунчаси ҳам айнан мактаб партасидан бошланади.

ҲАР НАРСАДА МЕЪЁР БОР

Қўшничиликда ҳам маълум қоидалар борми, деган савол туғилади. Айрим уй бекаларнинг «Қўшнимдан ҳол-аҳвол сўраб келай», дея чиқиб, кун ботгунга довор суҳбатлашиб ўтиришини оқлаб бўлмайди. Сал бўш вақти қолди дегунча ҳамсоясиникига отланадиган хотин-қизлар қўшни аёлининг вақти билан ҳисоблашмайди, унинг муҳим юмушлари бўлиши мумкинлигини ўйламайди. Бу эса қўшничилик муносабатининг асл моҳиятини англамасликдан келиб чиқади. Қўшнлари билан низога бориб, уйини сотиб, кўчиб кетганлар ҳам бўлган.

Аслида, қўшни — инсон учун бир таянч. Доимо шовқин солиб гапирадиган ён қўшнингиз, дарвоза олдини ҳар куни чинидек супурадиган келин, «Хорманг эгачи» деб кунора ҳовлингизга бош суқадиган маҳалладошнингиз ҳаётингизни тасаввур қилолмасангиз керак. Баъзи қўшнлар кўвончу ташвишларингизга шерик бўлиб, кези келганда қариндошингиздан ҳам яқинроқ кишига айланади. Буларнинг барчаси ўзбекиона қадрият, меҳр-муҳаббат, мурувват намунаси эмасми?!

Моҳичехра ЛАТИПОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

ҚЎШНИЧИЛИК — МИНГҲИЛЧИЛИК

ўқитувчиси Шахноза Эргашева шундай дейди:

— Болалигимда бобом ҳар куни кечкурун ўз боғидан сархил мева олиб келарди. Биз эса кўни-қўшнларга тарқатардик. Бобом «Қўшнининг еттидан бир ҳақи бор, болаларим», дея бот-бот такрорлардилар. Ўша кезларда бу сўзларнинг асл маъносини тушунмасакда, ўз яқинларимизнинг уйига кириб боргандек, қўшнларга завқ билан мева улашардик.

Қўшничилик муносабатлари дунёни англай, таний бошлаган чоғимиздан шаклланади. Бешинчи синфда ўқиётганимизда ўқитувчимиз аълочилар билан паст ўзлаштирувчи ўқувчиларни битта партага ўтказарди. Аввалига яхши ўқийдиган болаларга бу ёқмади. Чунки улар ўзига бириктирилган синфдошининг ўзлаштириши, кунига ҳеч бўлмаганда битта яхши баҳо олиши учун жавобгар эди. Ўқитувчимиз биздан ота-

— Ойи, музқаймоқ қозғозини ерга ташлаганим учун Маъсума хола мени койидилар.

— Вой нега ундай қилдилар? — дея шахд билан кўчага отланган Нодирани қўйнаси тўтатди:

— Қизим, Маъсумахон фарзандингизни койиб тўғри қилибди. Бугун у ерга ахлат ташласа, эртага дарахт синдиради, шундай-шундай тарбияси бузилиб бораверади. «Бир болага етти қўшни ота-она», дея бежиз айтилмаган.

Кўни-қўшнларнинг бундай йўл тутиши ота-онанинг хатоалари тузатишга замин яратади. Бола кўни-қўшнидан ибрат олиб тарбияланади. Агар қўшнингизнинг уйда доимо жанжал бўлса, эр-хотин ноҳўя сўзлар билан бир-бирини ҳақоратласа, фарзандлари ўз вақтида мактабга борма-са, бу сизнинг ўғил-қизингиз тарбиясиға ҳам салбий таъсир ўтказиши. Болада «Оиладаги муносабат шун-

га бағишлади. Шогирдларга илм-фан сирларини ўргатиш билан бирга, ҳаётнинг машаққатли йўллари-дан ўз эътиқодиға садоқат билан дадил ўтишга ундади.

— «Илмилар минг яшар» деган машойиҳлар. Билим олишга муҳаббат қалбимизда, қонимизда бор, — дейди нуруний устоз Асад Ҳайдаров. — Юксак маънавият, маърифатли аждодларнинг ворисларимиз-да! Бинобарин, тарих саҳифаларини нурли қилиш ҳар биримизнинг қўлимиздан келади. Жамият ҳар соҳада етук кадрларга муҳтож. Бу эътиёжни қондириш учун ҳар бир йигит-қиз билим даргоҳига ҳалол

ва пок ният билан қадам қўймоғи жоиз.

Муаллимнинг ўнлаб иқтидорли ўқувчилари математика фани бўйича вилоят ва республика олимпиадаларида ғолиб бўлишди. Шу йўналишда очилган услубий кабинет фаолияти вилоят мактаблари орасида биринчи ўринга лойиқ топилди.

Асад Ҳайдаров шаҳардаги 5-, 8-умумтаълим мактаблари ва 5-маҳсул интернатда хизмат қилган чоғлари маъруз билим масканларида ўқиш-ўқитиш ишлари яхши йўлга қўйилди, синфхоналар, фан кабинетлари қурилди. Махсус интернат-

да янги ётоқхона, тўғарак хоналари фойдаланишга топширилди.

Асад Ҳайдаров ибратли оила бошлиғи ҳамдир. Рафиқаси Муҳаббат опа билан бирга 5 нафар фарзандни эл қорига камарбаста, зиёли этиб тарбиялади. Ҳозир улар 14 неvara, 5 чевара қуршовида кексалик гаштини суришмоқда.

Устознинг узоқ йиллик самарали хизматлари муносиб баҳоланиб, «Халқ таълими аълочиси» нишони билан тақдирланди. Ўтган йили Асад Ҳайдаров учун «Ўзбекистон Мустақиллиғига 20 йил» эсдалик нишони ҳам катта байрам тўғриси бўлди.

Абдуазиз ҲОШИМОВ,
Исматулла УМАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси аъзолари

ИЛМЛИЛАР МИНГ ЯШАР

Муаллим ҳам гўё кўёшга ўхшайди. Шу боис бўлса керак, элимиз азалдан илм-маърифатга интилган, миллий ва умумбашарий қадриятларни эъзозлаб, бу борада авлодлар ўртасидаги маънавий кўприк вазифасини ўтаган кишиларга ҳурмат билан қарайди. Тажрибали муаллим Асад Ҳайдаров қалб зиёсидан ҳам қанчадан-қанча шогирд баҳра олмади дейсиз.

Каттакўрғон шаҳрида ҳурмат, эътибор толган устоз етмиш беш йиллик мазмундор умрининг қарийб ярим асрини севган касби-



Цивилизациянинг вақт ўтгани сайин ўта жадаллашиб бораётгани боис инсоният бугунги кунга келиб табиатдан «нуса» олмасдан туриб ҳам ҳажман вирус билан тенг тизимда ишлаш кўникмасига эга, фаол равишда алоҳида атомларни бошқаришни ўзлаштирмоқда. Натижада, ҳозир шундай турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмоқдаки, улар аталашда митти дейилса-да, катта-катта қурилмалар билан баробар бўлиб қолмоқда. Мазкур «атомлар саноати» бугун кенг омма тилида нанотехнологиялар деб аталмоқда.

Мутахассисларнинг эътирофи этишчи, табиатда азал-азалдан нанороботлар ва нанофабрикалар миллиардлаб йиллар давомида «фаолият» юритиб келмоқда. Фан-техника ва саноатнинг ривожланиши натижа-сида бугун улар асосида кўплаб янгиликлар ва илмий кашфиётлар амалга оширилмоқда. Ҳўш, замонавий инсон ҳаётида нанотехнологиялар қандай ўрин тутади? Бу турдаги технологиялар кашфиётлар чиндан ҳам одамлар ҳаётини енгиллаштиришга хизмат қиладими ёки баъзилар таъкидлагандек, уларнинг тараққиёти инсониятга ҳавф тутирадими?

ИЛК ҚАДАМЛАР

Эрамиздан аввалги 400 йил-даёқ таниқли юнон файласуфи Демокрит исталган модда ҳам энг кичик заррадан ташкил топи-ши ҳақида фикр юритгани баъ-зи тарихий манбалардан маълум. 1905 йили машҳур физик Альберт Эйнштейн шакар моле-куласининг ҳажми тахминан 1 нанометр (1/1 000 000 000 метр) га тенг, деган фикрни илгари сурди. 1931 йилга келиб эса не-мис олимлари ниҳоят нанообъ-ектларни кўриш имконини бера-диган электрон микроскопни яратишнинг удрасидан чиқиди.

Барча нарсани митти шакл-да ишлаб чиқариш ва алоҳида атомлар билан ишлаш мумкин-лиги ҳақида илк мартаба аме-рикалик физик олим Ричард Фейнман фикр юритган. 1959 йили олим ўзининг «Пастда жой кўп: физиканинг янги оламига йўл» маърузасида квант механикаси қонунилари орқали камсонли атомлар ёрдамида кераклик структурани ҳосил қилиш мум-кинлигини етарлича асослаб берган. 1974 йили эса япония-лик физик Норио Танигучи бир микрондан кичик ҳажмдаги ме-ханизмларни «нанотехнология-лар» атамаси билан аташни так-лиф этди. 1981 йили германия-лик мутахассислар алоҳида атомларни кўриш имконини бе-радиган микроскопни ишлаб чи-қиди. 1986 йили футуролог олим, нанотехнологиялар олами-га катта ҳисса қўшаётган ва уларнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмаслигини тинимсиз таъкид-лаб келаётган муҳандис Эрик Дрекслер нанотехнологиялар-нинг келажаги буюклиги башо-рат қилинган асарини чоп эттир-ди. Шу тарихи нанотехнология-лар кенг омма орасида «танила бошлаган». 1998 йилга келиб голландиялик физик олим Свез Деккер нанообъектлардан фойда-ланишни амалиётга жорий эта бошлади: у нанотехнологиялар асосидаги транзисторни яра-тишга муваффақ бўлди.

Юқоридагилардан кўриниб ту-рибдики, нанотехнологиялар со-ҳаси жадаллик билан ривожлан-моқда, улар туфайли инсоният учун яратилажак истикболнинг қандай бўлишини башорат қилиш жуда-жуда мушкул.

МЎҲЖИЗАВИЙ ҲАЖМ

Милли, микро, нано ва пико — ушбу қўшимчаларнинг барчаси

ҳали узоқ вақт давомида инсоният ишлаб чиқарадиган технология-ларнинг тараққиёти ва мукаммал-лигининг рамзи бўлиб қолиши шуб-ҳасиз. Қузатувлардан маълумки, бошланғок наноҳажмли объектлар улкан компьютер технологиялари корпорацияларида катта қўзиқиш уйғотган. Улар Ер юзидagi энг

митти маҳсулотлар — замонавий компьютерлар ва мобил теле-фонлар микропроцессорларида қўлланиладиган транзисторлар-нинг ишлаб чиқарувчиси сифати-да бугун ҳам мазкур соҳадаги та-раққиётнинг асосий «двигател» ла-ри вазифасини ўтайди. Айнан ушбу элементлар базасини ҳаж-ман кичиклаштириш саноат-лари электрон ҳисоблаш машина-ларининг ишлаш суръатини оши-риш ва таннархини пасайтириш имконини бериб, уларнинг ҳаёти-мизнинг барча жабҳаларига кенг кириб қолишини таъминлади.

Футурологик башоратларга кўра, тез орада вазият шу дара-жага етadики, бир неча тараф-герц тактик частотада ишлайдиган ва триллионга ўта кичик логик эле-ментлардан ташкил толган компь-ютер ҳаттоки дон ҳажмида ҳам бўлиши мумкин экан. Энг қизиғи, мазкур техника мўъжизаси шуна-вали кам қувват асосида ишлайди-ки, уни бемалол инсон танасига ҳам жойлаштириш бўлади. Бу яқин келажада одамлар ўз териси ости-га митти компьютерни жой-лаштирган ҳолда билим ва кўник-малари, интеллектуал имконият-лари ва хотираси ҳажмини по-тенциал равишда ошириш имко-нига эга бўлишдан дарак бера-ди.

НООДАТИЙ МАТЕРИАЛЛАР

Олимларнинг сўзларига кўра, микроэлектроника бўюмларидан ташқари яна ўзининг микро-тузилмаси туфайли ўзига хос ху-сусиятларга эга бўлган турли эритма, қоплама ва композит материалларга ҳам наноҳажм-лотлар сифатида қаралади. Саба-би, гоҳида битта материалда бир-бирига зид механик хусусиятлар-ни бирлаштириш, масалан, бир пайт-нинг ўзида эластик-лик ва қаттиқликни ошириш мумкин.

Ўзига хос ме-ханик хоссалар янги эритмалардаги устун жиҳатларнинг бир кўриниши, холос. Сўнгги йилларда эришилган энг муҳим ютуқлардан бири си-

фатида қатор мустаҳкам ва эн-гил биологик материалларнинг яратилишини ҳам кўрсатиш мум-кин.

Шу билан бирга, бугун нано-кукунлар барча турдаги магнит ахборот ташиш ускуналари — кредит картчасидаги маълумот-лар «қатори»дан тортиб қаттиқ компьютер дискларини ишлаб чиқаргача кенг қўлланилапти. Бунда қаттиқ компьютер диска-рининг магнит материал қатлами емирилишининг олдини олиш мақсадида унга бир неча нано-метр қалинлигида олмоосифат қоплама ва махсус суртма ма-териалнинг ингичка нанометрик қатлами ётқизилади. Гувоҳи бўлаётганингиздек, бугун оддий фойдаланувчида ҳам ўзида нано-технологик муваффақиятларни мужассам этган бир неча уску-наларнинг борлиги оддий ҳолга айланиб улгурган.

Шунингдек, дори воситалари-ни саратон ўсмасига манзилли етказиш ва микрокапсула шакли-даги даволаш воситаларини иш-лаб чиқариш борасидаги тадқи-қотлар ҳам оммавий равишда на-нодаражада содир бўладиган махсус ўзини-ўзи назорат қилу-чи жараёнларни бошқариш асо-сида кечishi аниқ. Ҳозир наноту-

«Оппортюнити» («Opportunity») тадқиқотчи-роботлари ҳам ўзининг интел-лектуал ва ижодий имкониятларига кўра машҳур кино-қаҳрамон Терми-натордан анча ор-тда қолар экан. Тўғри, электрон ҳаётни яратиш бо-расидаги ишлар кенг қамровли амалга оширила-ётган бўлса-да, энг оптимистик башоратларга кўра, уларнинг инсонларга чин маънодаги фойдаси тегишига эришиш учун ҳали анча вақт бор. Шу боис, нанотехнологиялардан келадиган хавфдан хавотирла-ниш бу фақат назарий асослан-ган, амалда эса кузатилмаган ҳолатдир.

ЮРТИМИЗДАГИ САЛМОҚЛИ НАНОЮТУҚЛАР

Ўзбекистонда ҳам нанотехно-логияларни яратиш ва уларни амалиётга кенг татбиқ этиш йўли-да қатор ишлар амалга оширил-моқда. Хусусан, Полимерлар

НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁКИ «АТОМЛАР САНОАТИ»



зилмали полимерлар ва углерод наноҳажмлари ёрдамида сунъий мушаклар ҳамда қўёш батареяси учун арзон элементлар ҳам яра-тилмоқда.

ИНСОНИАТГА ҲАВФ БОРМИ?

Нанотехнологияларнинг бун-дай жадал ривожланиши баъзи мутахассисларда хавотир уйғота-ётгани ҳам сир эмас. Улар «сунъий ҳаёт» қўлайиши ва фа-олиятни назорат қилиш бирдани-га издан чиқиб, натижада одам-ларнинг ҳаёт тарзи буткул ўза-риб кетишидан ташвишланмоқда. Бундай ҳолатни Эрик Дрекслер ўзининг «Яратувчилик машина-лари» (1986 йил) асарида тасви-рлаб берган. Бироқ келажака у-мид билан қаровчи бошқа тад-қиқотчилар ўтган асрнинг 70-йил-ларида ҳам одамлар роботлар-нинг ҳаётимизга кенг кириб ке-лиши ҳақида орзу қилишгани, айна пайтда машиналарнинг ин-сонларга қарши чиқиши мумкин-лигидан қўрқинганини таъкид-лашмоқда. Бироқ мазкур хавоти-ру ваҳималарнинг барчаси китоб саҳифаларидан кино экранлари-га кўнчи-ю, реал ҳаётдан узоқ бўлганича ҳамон шу даражада қолмоқда. Роботлар эса ҳаёти-мизга автоматик чангютич, до-мофон, «акли» ойна ва зшиқлар сифатида кириб келди. Ҳатто Марсда изланишлар олиб бору-чи ва қатор вазиятларда муста-қил қарор қабул қилиш хусу-сия-тига эга «Спирит» («Spirit») ҳамда

кимёси ва физикаси институтида мустақиллик йиллари кўплаб фун-даментал ва амалий тадқиқотлар йўналишлари билан бир қаторда наноимм, нанофизика ва юқори молекуллар бирикмалар нанотехно-логиялари борасида ҳам изла-нишлар олиб боришмоқда. Қола-верса, институтда кишлоқ ҳўжали-ги учун ҳимоянинг экологик хав-фсиз воситалари, ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи ва назо-рат қилувчи воситалар, экилади-ган уруғларни капсулалаш техно-логияси ишлаб чиқилган. Табиий полимерлар асосида қатор сама-рали дори воситалари яратил-ган. Институт лабораториясида синтезланган янги полимерлар қурилиш материаллари, пайванд-лаш электродлари, қоғоз ишлаб чиқариш, кимё ва озик-овқат са-ноатида кенг қўлланилади. Эъти-борлиси, институт томонидан амалга оширилган фундаментал лойиҳалар натижа-сида полисах-рид ва уларнинг ҳосилалари асо-сида нанотузилмалари дори воси-таларининг янги авлоди яратил-ди. Кишлоқ ҳўжалигида фойдала-ниш учун нанотузилмалари биологик фаол полимер тизимлар, ўсим-ликларни муҳофаза қилишнинг экологик хавфсиз воситалари, шу-нингдек, юқори даражадаги чи-дамли, мустаҳкам, ҳарорат кўрсаткичлари бaлaнд ва ўзига хос хусусиятларга эга нанотузил-малари конструкция материаллар ҳам ишлаб чиқарилди.

Шунингдек, мамлакатимизда автомобиллар учун пахта гўзаси-дан биоёнигли олиш ускунаси

яратилган. Олимлар пахта гўза-сининг майдаланган чиқиндилари-ни кварц шишасидан ишлаб чиқарилган шаффоф реакторга солишни таклиф этган. Унда қўёш нурлари ёрдамида авто-транспорт ва қишлоқ ҳўжалиги машиналари учун ёнигли сифа-тида ишлатиш мумкин бўлган суюқлик яратиш мумкин экан. Бир неча йил олдин икки нафар ўзбек олимлари — Виктор Крах-мaлeв ва Абҳам Файзиев томо-нидан саратон ташхисининг янги методига патент олинган. Маз-кур мутахассислар модда билан қопланган бум шишасини ихти-ро қилишган. Шиша ичига сара-тон ҳўжайралари қўйилса, мик-роскоп остида уларнинг нурлана-ётганини кўриш мумкин. Таъкид-ланишича, мазкур нурланиш та-биатини аниқлаш ишлари ҳали олдинда бўлишига қарамай, бу саратон ҳўжайраларининг визуал белгиси ҳисобланиши маълум экан. Кашфиётнинг аҳамиятли томони шуки, бунинг ёрдамида саратонни энг бошланғич бос-қичда — ўсма ҳали шаклланма-ган, лекин унинг ривожланиши-га замин яратадиган ҳўжайралар мавжуд бўлган пайтда ташхис-лаш имкони туғилади. Ташхис-нинг бошқа усулларида фарқли равишда бу жараён бир неча да-қиқада амалга оширилган экан.

ЁРҚИН КЕЛАЖАК САРИ...

Олимларнинг айтишича, кел-гусида табибнинг организм ичи-га юборилиб, уни даволаш ху-су-сиятига эга молекуллар роботлар-ни яратиш кўзда тутилмоқда. «Сайентифик Американи» («Scientific American») журналида баён эти-лишича, яқин фурсатда почта маркаси билан тенг тиббиёт ус-куналари яратилади. Биологияда атом даражасида турли органи-змларни жорий этиш, улар асоси-да йўқолиб кетган ҳайвон турла-рини қайта «тирилтириш» имко-ни ҳам туғилиши мумкин экан. Кўплаб оддий материаллар сифа-ти наноазарлар ва атом дара-жасидаги ишлов асосида ошири-либ, нанотехнологиялар ёрдами-да енгил, ингичка, шаффоф комп-озит (аралаш, мураккаб таркиб-ли) материаллар пайдо қилиш мумкин. Атроф-муҳитга мос ра-вишда ўз тузилишини ўзгартириш хусусиятига эга, аэрокосмик ва машинасозлик ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган «акли», ўта мустаҳкам, ўта енгил ва ёнмай-диган материаллар ҳам тез ора-да вужудга келиши кутилмоқда. Нанотехнологиялар ёрдамида келгусида компьютер қисмлари-ни янада кичиклаштириш ва де-ярли барча маъий техника воси-таларига компьютерларни жой-лаштириш ҳам мўъжжаланмоқда.

Умуман, муҳандисларнинг на-нотехнологиялар ва атомлар ола-ми борасидаги келгусидаги «портлаш» ядро энергиясини ўзлаштириш ёки космосга қадам қўйиш каби аҳамиятли бўлиши аниқ. Бунга бугун дунёнинг энг етакчи нанотехнолог-олимлари ҳам умид қилишмоқда. Боиси, на-нооламни ўрганиш техника ола-мини тубдан ўзгартириш ва ин-соният ҳаётини янги босқичга кўтариш имконини берадиган глобал аҳамият касб этиши шуб-ҳасиз.

Наргиза ИБРОХИМОВА



ТУШКУНЛИК МИЯГА ЗАРАР

Океанортилик олимлар узоқ муддатли стресс ёки клиник депрессия пайтида бош мия ҳажман кичиклашиши мумкинлигини аниқлашди. Йел университети тадқиқотчилари ўтказган изланиш тўғрисидаги мақола «Нэйче мэдисин» («Nature Medicine») журналида чоп этилди.



Аввалги изланишларда кучли депрессия (уни бошқача клиник турдаги деб ҳам аташади) қурбони бўлган одамлар бош миясида асаб тўқимаси ҳажми кичиклашиши аниқланган. Эндиликда олимлар бу нейронлар ҳажми уларнинг жойлашиш зичлигига ҳам боғлиқлигини қайд этишди. Жараёнда соғлом ва депрессияга учраган одамларнинг бош мияси тўқималари солиштирилган. Якунда тушкунликка тушганларнинг миясида синапслар (нейронлар ўртасидаги алоқалар) жараёнларини бошқарувчи 5та геннинг таъсирлашмиш даражаси паст экани белгиланди.

Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, ушбу бешта ген фаолиятини GATA1 гени назорат қилиб, айнан унинг таъсирчанлиги тушкунликка мойиллиги бор инсонларнинг бош мияси олд пешона қисмида кучли экан. Демак, ушбу ген ўта таъсирчан бўлса, бу ҳолат депрессияга мойиллик кучлигидан далолат беради.

Генлар скрининги ва мазкур тадқиқот натижалари клиник депрессияга мойил шахсларни аниқлаш, нейронлар ўртасидаги синаптик алоқалар шаклланишини назорат қилувчи янги турдаги антидепрессант воситаларни ишлаб чиқишда аниқ-са қўл келади, дейишмоқда олимлар.

«КЕПЛЕР» ЯНА 40ТА САЙЁРА ТОПДИ

«Кеплер» самовий телескопи ёрдамида аниқланган сайёралар сони 100дан ошди. Сўнгги кунларда аппарат бирданига 41та самовий жисм жойлашувини аниқлашга муваффақ бўлди. Маззуга оид янгилик arXiv.org сайтида берилди.

АҚШ астрономлари чоп этган мақолаларнинг бирида 27та сайёрани ўзида мужассам этган 13та янги планетар тизим ҳақида маълумот берилган. Янги тизимлар Кеплер-48 ва Кеплер-60 номларини олди. 48дан 59гача бўлган рақамли тизимларда иккитадан, Кеплер-60 тизимида эса учта самовий жисм борлиги қайд этилди.

Олимларнинг таъкидлашича, ушбу экзосайёраларнинг аксарияти ўз юлдузи атрофида узоқ муддатда айланади. Хусусан, Кеплер-51 сайёраси 228 кунда ўз юлдузи атрофида бир марта айланади.

Яна бир мақолада 24та сайёрадан ташкил топган 12та юлдузлар тизими ҳақида баён этилди.

Маълумот ўрнида айтиш зарурки, «Кеплер» телескопи 2009 йилнинг мартада орбитага чиқарилган. Аппаратнинг асосий ва-зифаси ўз юлдузи атрофида узоқ муддатли (тахминан бир йил) айланадиган экзосайёраларни аниқлашдан иборат.

НЕФТЬ ЁЙИЛИШНИ ЯНГИЧА БАРТАРАФ ЭТИШ

Халқаро олимлар гуруҳи озик-овқат саноатида, хусусан, музқаймоқ ишлаб чиқаришда қўлланиладиган амфифил полисахаридлардан нефть ёйилишига қарши восита сифатида фойдаланишни таклиф этишмоқда. Бу ҳақида «СайнсНау» («ScienceNow») манбасида маълум қилинди.



Таъкидланишича, музқаймоқ ишлаб чиқариш ва нефть ёйилишининг олдини олишда кимё мутахассислари олдида деярли бир хил вазифа туради: бунда сувда унга ара-лашмайдиган моддалар сут ёғи (музқаймоқни ишлаб чиқаришда) ва нефтни маълум мувозанатга келтириши за-рур. Ҳар икки ҳолатда ҳам устки қатламда фаол бўладиган моддалардан фойдаланилади. Лекин нефть ёйилишини бартараф этишда қўлланиладиган моддалар кўп ҳолларда экотизимга зарар келтириши мумкин. Шу боис мазкур ҳолат юз бермаслиги учун олимлар полисахаридлар асосидаги зарарсиз фаол моддалардан фойдаланишга қарор қилишди.

Полисахаридларнинг нефтга нисбатан фаол хусусиятлари-ни текшириш учун тадқиқотчилар турли озуқа моддалари-



ни оммавий равишда синодан ўтказишди. Улардан ҳосил бўладиган эмульсияларни атом-куч микроскопияси ёрдамида таҳлил этишган. Натижада мутахассислар табиий полисахаридлардан ҳосил қилинган моддалар асосида нефть «доғлари»-ни йўқотиш учун кимёвий модда ишлаб чиқаришга муваффақ бўлишди. Модда нефть томчиларини «ўраб» олиб, уларнинг сувни итарувчи юзалар(масалан, кўш патлари каби)га ёпишиб қолмаслигини таъминлайди. Полисахаридлар

озик-овқат саноатида кенг қўлланилгани боис уларни ишлаб чиқариш ҳам катта харжларга олиб келмайди.

БИР ДАКИКАДА ҚУВВАТЛАНДИГАН БАТАРЕЯ

Жанубий корейлик муҳандислар ҳозиргидай соатлаб эмас, балки атиги бир дақиқада қувват оладиган янги турдаги литий-ионли батареяларни ихтиро этишди. Одатда бунинг учун литий титанат, графен, олтин нанокристаллари каби қimmatбаҳо материаллар талаб этиларди. Лекин корейлик мутахассислар бунни жуда осон йўл билан ҳал этишди, дейилади «ФизОрг» манбасида.



Улсан илм-фан ва техноло-гиялар миллий институти тадқиқотчилари оддий литий-ионли батареяларнинг энергия алмашинувини жуда арзон ташкил этишга эришдилар. Бунинг учун улар литийни мине-рал углерод тури — графит билан тўйинган эритмага туширилган

катод юзасида ўта юпка углерод қатлами ҳосил бўлиб, у қувватланиш жараёнини кескин тезлаштириб юборади. Катод карбонлашиб, графит катод материалида тур шаклида сақланиб қолади. Шу туфайли ток узатишда катоднинг литийли қис-млари оддий аккумуляторда бўлгани каби қаватма-қават эмас, балки бир пайтда қувватлана бошлайди. Натижада мазкур жа-раёнларнинг тезлиги ҳароратга боғлиқ равишда 30—120 баробарга тезлашади. Аҳамиятлиси, ҳатто электромобиллар ҳам бунда атиги 15 дақиқада қувватланиши мумкин экан.

ХОТИРА СУСАЙИШИ ТИШЛАРГА БОҒЛИҚМИ?

Океанортидаги Жанубий Каролина университети олим-лари ўз изланишлари якунида тишларини мунтазам пар-варидиш этганлар ёши катта бўлганида хотира сусайиши-дан камроқ азият чекади, деган фикрга келишган. Бу ҳақида «Рейтер» ахборот агентлиги маълум қилди.

Тадқиқотчилар 1992—2010 йиллар давомида Калифорния-нинг 5 мингдан ортиқ аҳолиси ўртасида кузатув олиб бориш-ган. Таҳриба иштирокчилари 52—105 ёшдаги одамлар бўлиб, уларнинг ҳеч бири акли заифлигидан азият че-маган. Аввал улар ўзларининг стоматологик жараёнлар — тишлар ҳолати ва пломба ёки протезлар борлиги тўғрисидаги саволномани тўлдирган. 18 йилдан сўнг эса 1 145 на-фар иштирокчида деменция — хотира пасайиши билан боғлиқ ҳолда кенчадиган акли заифлик аниқланган. Тишини кунига икки мартадан кам тозалаган аёлларнинг ҳар тўртинчисида акли заифлик қузатилган. Қиёслаш учун маълумот: ҳар кун тиш-ларини тозалаб борган иштирокчиларнинг ҳар 5тасидан бир нафарида аклий салохият билан боғлиқ муаммолар қузатилган. Шу тариқа изланиш натижасида тишларни кам тозалаш акли заифликка учрашни 65 фоизга ошириши қайд этилди.

Эракларда бўлса бундай ҳолат нисбатан кам қузатилган: мун-тазам тишини тозаламаган ҳар олтинчи иштирокчида касаллик аниқланган, бошқаларга нисбатан акли заифлигининг ривожла-ниши 22 фоиз юқори бўлган.

Барча ёки деярли ҳамма тишини сақлаб қолган, тиш про-тезлари бор ва тишларининг бир қисми йўқ, лекин сунъий тур-дагиларидан ҳам фойдаланийдиган эраклар ўртасида ҳам катта тафовут аниқланган. Бунда учинчи гуруҳдагилар икки баробар кўпроқ деменциядан азият чекиши аниқланди. Мутахассислар тишларни яхши парваридиш қилмаслик эрта акли заифликка ду-чор бўлишнинг омилларидан бири вазифасини ўташи мум-кинлигини таъкидлашмоқда.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари ка-саба уюммаси Марказий кенгаши ва Бухоро вилояти кенгаши вилоят кенгашининг ижтимоий-иқтисодий ҳимо-ялаш бўлими мудир

Марзия БАЗАРОВАнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳам-дардлик билдиради.



«Франс-Пресс» ах-борот агентлигининг маълум қилишича, Хи-тойдя янги банк кредитла-ри ҳажми жорий йилнинг июль ойида 41,3 фоизга ту-шиб, банклар таҳлилчилар башорат қилганидек 665 миллиард юань эмас, бал-ки 540 миллиард юань миқ-дорида заёмлар беришган.

АҚШ суди 2011 йил-нинг апрель ойида қўлга олинган сомалилик ден-гиз қароқчилари етакчи-си Мухаммад Саали Ши-бинни қароқчилик, асир-га олиш ва одам ўғирлаш бўйича 15та моддага кўра айбдор деб топиб, унга 5,4 миллион доллар жарима тўлаш ва 12 мар-та умрбод қамок жазоси тайинлади.

Буюк Британия Мил-лий статистика хизма-ти маълумотларига кўра, Лондон шаҳрида ке-чган Олимпиада ўйинлари ту-файли мамлакатда ишсиз-лар сони 2,56 миллионга қисқарган, тўлиқ бандлик асосида 130 мингта янги ишчи ўрни яратилиб, мам-лакатдаги жорий ишсизлик даражаси ўтган йилнинг июлидаги кўрсаткичга нис-батан энг минимал даража-да, деб баҳоланмоқда.

Туркиянинг жануби-шарқидаги Фозиантеп шаҳридаги милиция мах-камаси ёнида масофадан бошқариладиган порт-ловчи модда ўрнатилган автомашина портлаши оқибатида бир нечта улов ва йўловчилар авто-буси ёниб кетиб, етти нафар инсон ҳалок бўлган, ўнлаб одамлар эса жароҳат олган.

Курилл ороллари таркибидаги Итуруп оролида кучли ёмғир-лар туфайли намлик оши-ши натижасида вулқон оти-лиши содир бўлиб, ундан лава эмас, фақат газлар чиқаётгани боис, маҳаллий хавфсизлик хизмати хо-димлари аҳоли ва сайёҳ-ларни ушбу худудга яқин-лашмасликка қақирди.

Океанортидаги Кали-форния штатида содир бўлган катта ёнғин 2 минг гектар майдонни эгаллагани сабабли яқин атрофдаги 480та хона-дон эгалари эвакуация қилингани ва ҳозиргача оловнинг тахминан 25 фоизи бартараф этилган-ни ҳақида хабар берил-моқда.

Гурунг

Бошимизга бирор мушкулот тушса, аксарият ҳолларда сабабини атрофимиздан кидирамиз. Лекин оддийгина зиyraklik аталмиш хислатнинг ҳамиша сергак туриши бизни кўп фалокатлардан қутқариши мумкинлигини ҳар доим ҳам ҳис этавермаймиз. Келинг, яхшиси фикримни ҳаётини мисоллар билан далиллай қолай.

Одатий иш кунларининг бири эди. Бекатга томон шошиб борарканман, кимдир ортимдан изма-из келаётгандек беихтиёр ортимга ўғирилиб қарадим. Узун бўйли йигит ўз хаёли билан ўзи банд, мен сингари қаергадир ошиқаётгандек, тез-тез қадам ташлаб келарди.

— Опа, бир дақиқа мумкинми? — деди у ўз тилида. — Мана бунини топиб олдим, сиз ҳам кўрдингиз, чоғи. Агар сиз топиб олиб мен кўрганамда, албатта, «Арра қиламиз», дердим. Мен ҳам сизга шу таклифни айтмоқчиман. Келинг, четроққа ўтиб, шу пулни санаймиш-да, тенг иккига бўлиб оламиз...

Чиндан ҳам, у қўлида иккига қайириб буқланган АҚШ долларини бармоқлари билан сидириб ҳақиқийлигини исботламоқчи бўларди. Шунга ўхшаш воқеанинг олдин ҳам гувоҳи бўлганим учун қизиқишданми ёки бир зум нафас устунлик қилдим, унинг ортидан эргашиб муолишдаги камқатновроқ кўча томон бурилдим. Ҳали кўп юрмаган ҳам эдик, худди ҳалиги ҳамроҳимга ўхшаган яна бир русийзабон йигит етиб келиб: «Мен пулимни тушириб қўйдим. Кўрганлар уни мактаб ўқувчилари топиб олди, — дейишди. Мабоодо сизлар кўрмадингизларми?» дея сўради. Шундан сўнг кўнглимдаги шубҳа янада ортди. Ичимдаги бир

овоз: уларнинг қандайдир сирли мақсадлари борлиги, иккиси (балки яна шериклари бордир) бир-бирига бегона эмаслигини қайта-қайта таъкидларди.

— Опа, сиз шу пулни олиб туринг. Бу кишига ўша болаларни

Ҳалолидан қўймасин!

(Бўлган воқеа)

кўрсатиб келаман, — дея «топилма»ни менга узатди «саховатли» ҳамроҳ. — Сўнгра насибанингизни санаб бераман.

— Йўқ, менга бунақа пулнинг кераги йўқ, — дедим-у, шартта бурилиб, ўз йўлимдан кетдим. Лекин бироз юргач, уларни кузатмоқ учун ортимга қарадим. Не кўз билан кўрайки, ҳалигилар иккаласи биргаликда йўловчи таксиларга кўл кўтариб туришарди. Шунда бир танишим сўзлаб берган воқеа ҳаёлимда жонланди.

Айланиб, ул-бул харид қилиб кетиш учун пойтахтга келган аёл вокзалда худди шундай вазият билан рўбару бўлади. Ортидан келаётган киши бир даста АҚШ долларини кўрсатиб, «Иккимиз топиб олдик. Фақат мен жуда шошаётгандим. Булар сизда туриб турса. Мана бу менинг телефон рақамим. Бирор со-

Ogoh bo'ling!

атдан сўнг сизни ўзим топаман ва маблағни тенг бўлиб оламиз. Фақат кўнглим хотиржам бўлиши учун тилло занжирингиз ва узугингизни берсангиз...» дейди. Аёл қарасаки, бу пулга бунақанги тақинчоқлардан бир нечасини сотиб олса бўлади. Яна бозор айланиши, камларини бутлаши мумкин... Хуллас, у танимаган, билмаган ҳамроҳнинг такли-

фига жон дея розилик билдиради. Лекин соатлар ўтса ҳамки, келишилган жойда «топагон»дан дарак бўлмагач, аёл телефонга ёпишади. Автомат эса «тармоқда бунақа рақам мавжуд эмас» лигини айтади. Шундан сўнг у юраги ҳаприққанча, рўмолчасига қат-қат қилиб ўраб қўйилган «омонат»ни очади. Қарасаки, бир неча доллари ҳақиқий, қолгани сохта...

Мен бу воқеаларни шунчаки қаламга олмадим. Огоҳлик, зиyraklik ҳар доим ва ҳар қачон бизнинг энг содиқ қўриқчиларимиз эканини, меҳнатсиз келадиган бойлик инсонга вафо қилмаслигини, нафсга эрк бериш биринчи ғанимимиз эканини ёдингизга солиб қўймоқчиман, холос. Боболаримиз, момоларимиз таъкидлаганларидек, ҳалолидан қўймасин!

«Қалам-паламда ёзиб туринг...»

Ёш она эркатойига алла айтаётган эмиш:

— Ухла, кўзичоғим, алла. Тушларингга оппоқ куёнчалар кирсин...

— Йўқ, — дермиш болажон. — Аввал реклама кетади.

Шошиб қолган она «103»га телефон қилибди:

— Алло, «Тез ёрдам»ми? Тезроқ етиб келсангиз. Болам рўчкани ютиб юборди.

Xanda

Бунча ҳовли-қасиш.

— Келгунингизча нима қилайлик?

— Қалам-паламда ёзиб туринг, — дермиш бамайлихотир «саломатлик посбони».

Уч киши таксида кетаётган экан. Жарлик ёқасидан ўтаётчи машина тойиб кета бошлабди. Шунда йўловчилардан бири ибодат қилганча, худдога ёлворибди. Иккинчиси асабийлашганидан ўзича нималардир дея гулдирар эмиш. Учинчиси эса:

— Илтимос, ҳайдовчи укам, ҳисоблагични ўчириб қўйсангиз. Бариб жарга кулаш учун бензин сарфланмайди. Мен ҳам пул тўламайман, — дермиш.

У иқтисодчи экан-да.

Кашфиётларнинг туғилиши

XIX асрнинг охирида физиолог Кристиан Эйкман Индонезияга маҳаллий аҳолининг қирилиб кетишига сабаб бўлаётган «Бери-бери» касаллигининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш учун жўнатилади. У тажрибалар олиб борар экан, товуқларда шундай касаллик борлигини пайқайди. Суриштириб билса, янги ошпаз паррандаларни тозаланмаган гуруч ўрнига аскарларга бериладиган оқ гуруч билан боқини бошлаган экан. Шунда олим товуқларга тозаланмаган гуруч беради ва паррандалар со-

ғайиб кетади. Эйкманнинг бу кашфиётини ўрганган биологлар бир неча йилдан сўнг тозаланмаган гуручда шифобахш В, витамини борлигини аниқлашди.

Eshitganmisiz?

1903 йили француз кимёгари Бенедиктус тасодифан ичида нитроцеллюлоза бўлган қолбани тушириб юборади. Шунда шиша идиш ёрилади, лекин синмайди. Гап нимадалигини иллаган кимёгар синса-да, сочилиб кетмайдиган автомобиль ойнасини яратади.

Қизим, сенга айтаман.....

Уйингизда барака бўлиши эркакнинг бозордан тўлиб-тошиб кириб келиши билангина боғлиқ эмас. Оила бекасининг харид қилинган маҳсулотларни тоза, озода сақлаши, тежаб-тергаб ишлатиши, тотли таомлар тайёрлаб дастурхонга тортиши ва шуқроналик — бараканинг асосий калитидир. Қуйидагиларга амал қилиш бу борада сизга асқотади, деб ўйлаймиз.



Янги сутни қоронғи жойда сақлаган маъқул. Чунки нур таъсирида кўпгина фойдали витаминларини йўқотади.

Сунъий ёриткичлар сабзавот ва меваларга ёмон таъсир этар экан. Ҳатто мутахассислар шундай ёриткичлар картошкада инсон организмни учун зарарли моддалар пайдо қилишини исботлашган. Бундай модда картошканинг кўкимтир ва ўсимтали жойларида кўп тўпланади.


Кунгабоқар мойи айниб қолмаслиги учун жуда зич ёпилмайдиган идишда сақ-

лаш керак. Озгина ош тузи солиб ҳам қўйиш фойдадан холи эмас.



Баъзилар сабзавотдан тайёрланган таомларни фақат совуқда сақлаш лозим, деб ҳисоблайди. Бу хато фикр. Кўпгина сабзавотли таомлар ўта паст температурада С витаминини тез йўқотади. Масалан, димланган қарам 90 фоиз С витаминидан, пиширилган ва кесилган картошка эса 4 соатдан сўнг 40 фоиз шундай фойдали моддасидан «жудо бўлади». Тузланган қарамни музлатиш С витаминининг 20 фоизини йўқотишга олиб келади.

Иссиқ кунларда тарвузни севиб истеъмол қилмайдиган киши камдан-кам топилади. Тўғки беқасам тўнға ўралиб олган ёзнинг шоҳ неъматини инсон организмни учун ниҳоятда фойдали витаминларга бой. Тарвузнинг деярли



Чанқасангиз ҳам — тарвуз, оч қолсангиз ҳам — тарвуз!

89,5 фоизи сувдан иборат бўлиб, бутун организмни ювади ва ортиқча сувоқликдан халос бўлишимизга ёрдам беради. Шунингдек, тана аъзоларини туз ва тошлардан тозалайди, иммун тизимини мустаҳкамлайди ва организмни шакар, темир, магний ва фоллий кислотаси билан таъминлайди. Бўғимлардаги оғриқ ва туз йиғилиши хасталикларидан халос бўлиш учун июль—сентябрь ойларида кунига 3 килограммгача тарвуз истеъмол қилиш ёки оч қоринга шарбатидан ичиш тавсия этилади. Ревматизм, семизлик, буйрак тоши касалликлари ва ўт пуфак йўлларида муаммоси бўлганларнинг ҳам тарвузни кўп истеъмол қилиши фойдадан холи эмас.

Шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда тарвузли парҳез тутиш бўғимлар ҳаракатчанлигининг ортиши, семизликдан халос бўлишда самарали усуллардан саналади. Бунинг учун 3-7 кун аввал гўшти маҳсулотлардан воз кечилиб, ўсимликлардан тайёрланган таомларга ўтилади. Парҳез давомида эса фақат қора нон ва тарвуз истеъмол қилинади. Чанқасангиз ҳам — тарвуз, оч қолсангиз ҳам — тарвуз! Бу парҳезни ҳолатингизга қараб ҳафтада бир ёки икки кун қўллашингиз мумкин.

Саҳифани Ойбуви ОЧИЛОВА тайёрлади.

Taqdirimsan, baxtimsan, erkin va obod Vatan!

СПОРТ МАЙДОНИДА КАМОЛГА ЕТАЁТГАН ҚИЗ

Мамлакатимизда ёш авлодга яхши таълим-тарбия бериш ҳамда турли йўналишларда ўз иқтидор ва истеъдодини намойён этаётган ўғил-қизларни рағбатлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳам ана шундай ёш истеъдод эгаларини аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янги-янги марраларни эгаллашга рағбатлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу йил мазкур юксак мукофотга сазовор бўлган қизлар орасида Фарғона вилояти Кува туманидаги 58-умумтаълим мактаби ўқувчиси, акробатика бўйича Осиё чемпиони Камола Раҳмонова ҳам бор.

Камола болалигидан спорт билан шуғулланади. Унга кўпчилик ҳавас билан қарайди. У «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаол аъзоси сифатида турли спорт беллашувлари ва маданий тадбирларни ўтказишда ташкилотчилик қobiliятини намойён этиб келади. Тенгдошларидан интеллектуал салоҳияти, намунали хулқи, эгичлик ва иқтидори билан ажралиб турувчи спортчи қиз Кува туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида акробатика ва бадий гимнастика сир-асрорларини ўрганиб келмоқда. Камола олти ёшдан бошлаб мамлакат ва халқаро миқёсда ўтказиладиган мусобақаларда муносиб иштирок этиб келмоқда.

— Спорт инсонни чиниқтиради, иродани ва қатъиятликни қилиб камолга етказди, — дейди Камола Раҳмонова. — Бугунги кунда мамлакатимизда спорт билан

шуғулланаётган қизлар сони тобора ортиб бормоқда. Биргина ўзим қатнайдиган спорт мактабини оладиган бўлсам унда 300 нафардан ортиқ қиз акробатика ва бадий гимнастика сирларини ўрганмоқда.

Чиндан ҳам спорт ёш авлодининг ҳам жисмонан, ҳам маънан шаклланишида бекиёс ўрин тутаяди. Шу боис болалар спортини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, янги спорт мажмуаларини барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш, талаб даражасида жиҳозлаш мамлакатимиздаги устувор масалалар қаторидан ўрин эгаллади. Биргина Фарғона вилоятида ўтган йиллар давомида 100дан ортиқ спорт мажмуалари қурилди, спорт майдончалари ва заллари замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Кува туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам Болалар спортини ривожлан-

тириш жамғармаси томонидан барпо этилган. Замонавий стандартлар асосида қурилган мазкур муассасада тажрибали мураббийлар қўмағида ёшлар акробатика, бадий гимнастика, бокс, белбоғли кураш, стол тенниси, қўл тўпи ва мини футбол билан шуғулланади.

Мактабда мунтазам равишда ўз маҳоратини ошириб бораётган Камоланинг ҳам турли беллашувларда фаол қатнашиб, юксак натижаларни қўлга киритиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Унинг илк муваффақияти 2005 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган акробатика бўйича Ўзбекистон биринчилигида қолиб қолган қўлга киритишдан бошланган. Ўтган йиллар давомида у кўп мартаба Ўзбекистон биринчилиги ва кубоги баҳсларида рақибалари орасида тенгсиз эканини исботлашга эришди. 2010 йили ўсмирлар ўртасида ўтказилган бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпионатида иккинчи ўринни қўлга киритиб, терма жамоага қабул қилинди. 2011 йил апрель ойида Бельгияда ўтказилган «Евроосиё Акро-Кар» мусобақа-

сида 18 давлат ёшлари орасида тўртинчи ўринни эгаллади. Шу йили Германияда ташкил этилган бадий гимнастика бўйича халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллаб, олтин медаль билан қайтди. Шунингдек, сентябрда Германиянинг Майнц шаҳрида акробатика бўйича «Евроосиё» мусобақасида битта олтин ва иккита кумуш медалларини ўз шахсий тўпламига қўшиб қўйди.

Камоланинг ўз маҳоратини ошириб, юксак натижаларга эришишида устози Озодахон Пўлатованинг ҳам хизматлари катта эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Ёш спортчиларимиз эришаётган муваффақиятлар замирида баркамол авлод тарбиясига бўлган улкан эътибор ётади, — дейди 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори О.Пўлатова. — Бугун ёшларнинг иқтидорини аниқлаш ва уларни тўғри йўналтирган ҳолда истеъдодини намойиш этишга қўмаклашиш ҳар бир мураббий зиммасига улкан масъулият юклайди. Масканимизда ёшларни спортга кенг жалб этиш учун барча шароит яратилган. Камола



ҳам айнан шундай шароитлардан фойдаланиб, ўз устида тинимсиз ишлаб юксак натижаларга эришмоқда. Зулфия мукофоти соҳибаси Камола Раҳмонова ҳам спортда, ҳам илмда тенгдошлари ва издошларига ўрнак бўлиб келмоқда. Биз ҳақли равишда Камола каби спортчи қизларимиз ва уларнинг ютуқларидан фخرланамиз. Мақсадимиз ёш авлодни янги-янги муваффақиятлар сари етаклаб, мамлакатимиз спорт ривожига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Камола НОСИРОВА,
журналист

Бир пайтлар эришиб бўлмасдек туюлган орзулар истиқлол тўғайли бугун кўз ўнгимизда намойён. Бундан бир неча йил муқаддам Исковотдан таникли спортчилар, чемпионлар чиқади, деса, ҳеч ким ишонмаган бўларди. Лекин бугун бу ернинг фарзандлари орасидан ҳам республика, жаҳон чемпионлари етишиб чиқиши одатий воқеага айланди. Хусусан, Янгиқўрғон туманининг сўлим гўшаларидан бўлган Исковот қишлоғининг волейболчи қизлари эришаётган ютуқлари боис нафақат вилоят, ҳатто мамлакатимизда ҳам яхши таниш. Жамоа айланиб, 2009 йили Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган 1991-1992 йилларда тузилган қизлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида эришган ютуғи орқали тилга тушди. Мусобақанинг мутлақ қолиби деб топилган жамоанинг волейболчи қизларидан уч нафари олий ўқув юртига имтиёзли кириш ҳуқуқига эга бўлганди. Жорий йили ҳам жамоага айнан шундай зафар насиб этди. Уч турда ўтказилган ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон

чемпионатида қолиб қолган жамоанинг яна уч нафар аъзоси ҳам шундай имтиёзга эга бўлди. Сўзни ютуқлардан бошлашимиз бежиз эмас. Зеро, муваффақият зиммага янги масъулият юклаб, изланиш ва интилишга чорлайди. Исковотлик

ИСКОВОТНИНГ ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРИ

қизлар тарбияланаётган 31-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби 1996 йили ташкил этилган. Ҳозир 990 нафар ўқувчи-ёшларга (уларнинг 464 нафари қизлар) 34 нафар мураббий (9 нафари аёл) жисмоний камолот сирларини ўргатмоқда.

Бугунги кунда масканд нафақат волейбол, балки футбол, қўл тўпи, миллий кураш, белбоғли кураш ҳамда бадий гимнастика каби спорт турлари бўйича ҳам иқтидорли спортчилар тайёрланади. Ана шу сайё-ҳаракатлар ўз натижасини бераётганини алоҳида

эътироф этиш лозим. Масалан, жорий йил исковотлик ёш бадий гимнастикачилар «Олтин водий» мусобақаларида иштирок этиб, фахрли 3-ўринни эгаллаган бўлса, «Умид ни-

ҳоллари -2012» спорт мусобақаларининг республика босқичида волейболчи қизлар фахрли иккинчи ўрин соҳибаларига айланишди. Белбоғли кураш бўйича мамлакат чемпионатининг «Исковот» болалар спорт мажмуасида ўтказилишида ҳам раъзий маъно бор. Чунки мажмуада яратилган шарт-шароит ва замонавий қулайликлар, кучли моддий-техник база халқаро талабларга ҳам жавоб бера олади. Ҳозиргача спорт мактабида қишлоқ ёшлари орасидан 400дан зиёд оммавий спорт, 100дан ортиқ биринчи раз-

Xotin-qizlar sporti



рядли, 50дан зиёд спорт усталигига номзод ҳамда бир нафар спорт устаси тайёрланди.

Юқоридаги натижалар ва ютуқлар замирида Илҳомжон Турдиев, Мастура Мўтаева, Комилжон Бўтаев, Арофат Азизова, Каримжон Абдурахмонов, Шукр Рустамов ва Нозима Ёқубжонова каби тажрибали ва маҳоратли мураббийларнинг самарали меҳнати ва ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Спорт ёшларимизнинг юксак маънавиятли, руҳан ва жисмонан соғлом — баркамол авлод бўлиб воқеа етишида муҳим роль ўйнаган экан, бундан чўқур англашимиз лозим, — дейди спорт мактаби директори Илҳомжон Пўлатов. — Шу боис, иқтидорли ўғил-қизларимизнинг истеъдодларини ривожлантириб, юзага чиқариш учун мактабимиз мураббийлари бор куч-ғайрати ва билимини аямаяпти.

Гулноза ТУРДИЕВА,
Ғаниёр АҚБАРОВ.

ҚИШЛОҚДАГИ ЗАМОНАВИЙ МАЖМУА



Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга, ёш иқтидор эгаларини аниқлаш ва уларни катта спорт сари рағбатлантиришга қаратилаётган эътибор самарасида юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам бу борада салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

Қашқадарё вилояти Яккабўғ тумани Олмазор маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган замонавий спорт мажмуаси ҳамиша ёшлар билан гавжум. Бу ердаги стол тенниси, бадий гимнастика, кураш ва футбол тўғрақларида 200 нафардан зиёд ўғил-қиз малакали мураббийлардан сабоқ олмоқда.

Спорт мажмуаси зарур инвентарлар билан тўлиқ таъминлангани машғулотларни юқори савияда олиб бориш имконини бераётди. Хусусан, стол тенниси тўғрагида ўн та теннис столи ёшлар ихтиёрида. Идилбек, Чинорли ва Олмазор қишлоқларидан эллика яқин ёшлар стол тенниси билан мунтазам шуғулланмоқда. Улар орасида туман ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаётган ўғил-қизлар кўпчиликни ташкил этади.

Суратда: кураш тўғраги мураббийи (ўртада) Собир Аралов шогирдлари (чапдан) Акибор Абдусодиқов ва Сирождидин Соипов билан.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА)
олган сурат.

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

*Ватанимиз
муштақиллигининг
21 йиллик пўйи
барчангизга
муборак бўлсин!
Сиз азизларга
қалбимиздаги энг
эзгу
тилакларимизни
йўлаймиз.*



Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor
YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-
на"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, "Учитель Узбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-818.
Tiraj 33220.

Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taq-
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Mamur AHLIDINOV.
Navbatchi muharrir:
Nasiba ERXONOVA.
Navbatchi:
Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi 41-uy

Yil 97
Topshirish 41.35